

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

47-сон
(1171)
2024 йил
ноябрь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

406. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига рақамли далиллар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 21 ноябрдаги ЎРҚ–1003-сон Қонуни
407. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг муҳофазасини кучайтиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 21 ноябрдаги ЎРҚ–1004-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

408. «Юртимизнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этишга интилаётган ватандошларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада тако-

- миллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 20 ноябрдаги ПҚ–397-сон қарори
409. «Аёллар орасида онкологик касалликларни назорат қилиш тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22 ноябрдаги ПҚ–402-сон қарори
410. «Таълим соҳасида хусусий сектор иштирокини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22 ноябрдаги ПҚ–403-сон қарори

Бешинчи бўлим

411. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2024-yil 18-oktabrdagi 33/6-son “O‘zbekiston Respublikasi hududida bank kartalarining chiqarilishi va muomalada bo‘lishi qoidalari to‘g‘risidagi nizomga qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 18-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3294-1*)
412. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi direktorining 2024-yil 15-oktabrdagi 10-mb-son “Statistika hisoboti shakllarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 18-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3275*)
413. O‘zbekiston Respublikasi Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o‘zgarishi vazirligi hamda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi O‘zbekiston texnik jihatdan tartibga solish agentligining 2024-yil 18-oktabrdagi 14-mh, 55-son “Ishlab chiqaruvchilar va import qiluvchilar tomonidan qayta ishlanishi to‘g‘risidagi ma‘lumot ko‘rsatilishi majburiy bo‘lgan tovarlarning ro‘yxati va ularning belgilarini tasdiqlash haqida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 19-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3576*)
414. O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2024-yil 17-oktabrdagi 184-son, Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Soliq qo‘mitasining 2024-yil 10-oktabrdagi 2024-21-son, Markaziy banki boshqaruvining 2024-yil 8-oktabrdagi 364-B-son “Ish beruvchilar tomonidan fuqarolarning shaxsiy jamg‘arib boriladigan pensiya hisobvaraqlariga majburiy jamg‘arib boriladigan pensiya badallarini hisoblash va to‘lash tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 20-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3577*)
415. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2024-yil 14-oktabrdagi 182-son “O‘zbekiston Respublikasi budget hisobining standarti (17-sonli BHS) “Xodimlarning daromadlari”ni tasdiqlash to‘g‘risida”gi

buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 21-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3578*)

416. O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2024-yil 7-noyabrdagi 187-son "Bojxona to'lovlarini to'lashning bosh ta'minotini qo'llash tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 21-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3579*)
417. O'zbekiston Respublikasi raqamli texnologiyalar vazirining 2024-yil 28-oktabrdagi 273-mh-son "Pochta aloqasi xizmatlarini ko'rsatish qoidalariga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 21-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2219-16*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ҚОНУНИ****406 Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлари-
га рақамли далиллар билан ишлаш тизimini такомил-
лаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш
тўғрисида***

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил
27 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2024 йил 24 октябрда
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда инсоннинг ўз қонуний манфаатлари-
ни ҳимоя қилиш учун тенг имкониятлар яратиш, ишнинг ҳақиқий ҳолатла-
рини ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона аниқлашга доир қонун талабларига
сўзсиз риоя этиш, тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги принципла-
рини ҳаётга татбиқ этиш орқали инсон ҳуқуқ ва эркинликлари самарали хи-
моя қилинишини таъминлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга жамият ҳаётининг турли соҳаларини жадал рақамлашти-
риш, одамларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳол-
да янада кўпроқ ҳамкорлик қилиши ва бунинг оқибатида жиноятлар содир
этилиши, рақамли муҳитда фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда
қонуний манфаатлари бузилиши ҳолларининг кенг тарқалиши рақамли далил-
ларнинг институционаллаштирилишини ва улар билан боғлиқ ишларни амалга
оширишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланишини талаб этмоқда.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал
кодексига, Фуқаролик процессуал кодексига, Иқтисодий процессуал кодек-
сига, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ко-
дексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш
тўғрисидаги кодексига рақамли далиллар тушунчасини, рақамли далилларни
тўплаш, тақдим этиш, мустаҳкамлаш, кўздан кечириш, текшириш ва баҳо-
лаш, уларни сақлаш, қайтариш ҳамда йўқ қилиш тартибини белгилловчи ўз-
гартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Бундан ташқари «Нотариат тўғрисида»ги, «Ҳакамлик судлари тўғриси-
да»ги ва «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун-
ларида рақамли далилларни гувоҳлантириш ва уларни текшириш тартиби
назарда тутилмоқда.

Ушбу Қонун фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 21 ноябрда эълон қилинган.

ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтиришга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 881, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 204-модда, № 5, 296-модда, № 12, 689-модда; 2021 йил, № 1, 5, 11, 13, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 973-модда, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 216-модда, № 4, 337-модда, № 6, 575-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185-моддалар, № 4, 265, 269-моддалар, № 5, 319-модда, № 9, 713-модда; 2024 йил, № 1, 8-модда, № 2, 115-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **26-модданинг биринчи қисмидаги** «ашёвий» деган сўз чиқариб ташлансин;

2) **66-модданинг биринчи қисми** «унинг сўроқ қилинишида иштирок этувчи таржимонни рад қилиш» деган сўзлардан кейин «далилларни тақдим этиш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **68-модданинг биринчи қисмидаги** «ашёвий» деган сўз чиқариб ташлансин;

4) **81-модда:**

биринчи қисмининг ўзбекча матнидаги «ҳақиқий» деган сўз «фактик» деган сўз билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми «ашёвий» деган сўздан кейин «ёзма ва рақамли» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) **87-модданинг биринчи қисмидаги** «ашёлар ва ҳужжатларни» деган сўзлар «ашёларни, ҳужжатларни ва электрон маълумотларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **88-модданинг бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тергов ёки суд ҳаракатлари жараёнида олиб қўйиладиган нарсалар, ҳужжатлар ва электрон маълумотлар тегишли баённомаларда аниқ кўрсатилиши керак, бунда нарсанинг ёки ҳужжатнинг ёхуд электрон маълумотларнинг эгасига баённома нусхаси ёки унинг кўчирмаси топширилиб, тилхат олинди. Ишга алоқаси бўлмаган нарсалар, ҳужжатлар ва электрон маълумотлар қонуний эгасига дарҳол қайтарилиши керак. Бунда, агар ишга тааллуқли бўлмаган далиллар тергов органининг ва (ёки) суднинг тасарруфида қолган бўлса, улар қайта тикланмайдиган тарзда йўқ қилиниши лозим. Фуқаролар сақлаши тақиқланган нарсалар, ҳужжатлар ва электрон маълумотлар йўқ қилиниши ёхуд уларни сақлашга ҳамда тасарруф этишга ваколатли бўлган муассасаларга ёки ташкилотларга берилиши лозим»;

7) **89-модданинг:**

биринчи қисмидаги «ҳужжатлар ёки нарсаларни» деган сўзлар «нарсаларни ёки ҳужжатларни ёхуд электрон маълумотларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «ҳужжатлар ёки нарсаларни» деган сўзлар «нарсаларни ёки ҳужжатларни ёхуд электрон маълумотларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «ҳужжатлар ва нарсалар» деган сўзлар «нарсалар, ҳужжатлар ва электрон маълумотлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **95¹-модда:**

учинчи қисми «ашёвий» деган сўздан кейин «ёзма ва рақамли» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Олиб қўйиш ёки кўздан кечириш бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилаётганда мутахассис иштирокисиз олинган электрон маълумотлар номақбул далиллар деб топилади»;

9) **105-модданинг:**

номидаги «нарсалар ва ҳужжатларни» деган сўзлар **«нарсаларни, ҳужжатларни ва электрон маълумотларни»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмидаги «нарсалар ва ҳужжатларни» деган сўзлар «нарсаларни, ҳужжатларни ва электрон маълумотларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сўроқ баённомасида ёки суд мажлиси баённомасида қандай нарсалар ёки ҳужжатлар ёхуд электрон маълумотлар кўрсатилганлиги, ҳужжат матнининг қайси қисми ва унинг ким томонидан ўқиб эшиттирилганлиги, нарсаларни ёки ҳужжатларни ёхуд электрон маълумотларни кўрсатиш вақтида

қандай саволлар берилганлиги ва бунга жавобан сўроқ қилинувчи қандай кўрсатувлар берганлиги аниқ акс эттирилиши керак»;

10) **106-модданинг тўртинчи қисмидаги** «нарс ва ҳужжатлар» деган сўзлар «нарсалар, ҳужжатлар ва электрон маълумотлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **132-модда:**

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текширишдан мақсад: кўрсатувлари текширилаётган шахсга маълум бўлган, суриштирувчига, терговчига ва судга эса номаълум бўлган нарсалар, ҳужжатлар, электрон маълумотлар, излар ва белгиларни топиш; шахснинг тергов ёки суд муҳокамаси давомида топилган нарсалар, ҳужжатлар, электрон маълумотлар, излар қаерда бўлганлигини кўрсатиб бериши; бир неча шахснинг айна бир ҳодиса тўғрисида берган кўрсатувларидаги ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш учун ишда аҳамиятга эга бўлган жойни ёки йўналишни шахс кўрсатиб бериши; ҳолатларни қайта тиклаш ва ҳодиса содир бўлган жойдаги шароит билан қиёслаш орқали кўрсатувларнинг тўғрилигини ёки нотўғрилигини аниқлашдан иборат»;

учинчи қисми «нарсаларни, ҳужжатларни» деган сўзлардан кейин «электрон маълумотларни» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Рақамли далиллар билан боғлиқ кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш чоғида кўрсатувларнинг ишончлилигини масофадан туриб текшириш учун ахборот тизимларидан фойдаланилиши мумкин»;

тўртинчи қисми бешинчи қисм деб ҳисоблансин;

12) **133-модданинг тўртинчи қисми** «нарсаларни, ҳужжатларни» деган сўзлардан кейин «электрон маълумотларни» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

13) **135-модданинг:**

биринчи қисмидаги «нарсалар ва ҳужжатларни» деган сўзлар «нарсаларни, ҳужжатларни ва электрон маълумотларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «нарс ва ҳужжатлар» деган сўзлар «нарсалар, ҳужжатлар ва электрон маълумотлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14) **140-модданинг:**

номидаги «Нарса ва ҳужжатларни» деган сўзлар «**Нарсаларни, ҳужжатларни ва электрон маълумотларни**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмидаги «нарс ва ҳужжатларни» деган сўзлар «нарсаларни, ҳужжатларни ва электрон маълумотларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кўздан кечириш техник воситалардан фойдаланилган ҳолда, шу жумладан телекоммуникация тармоқларида, агар нарсаларнинг ёки ҳужжатларнинг ёхуд электрон маълумотларнинг йўқолишига ёки шикастланишига олиб келмаса, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғида ўтказилиши мумкин»;

15) **141-модданинг иккинчи қисмидаги** «нарсалар ва ҳужжатлар» деган сўзлар «нарсалар, ҳужжатлар ва электрон маълумотлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16) **157-модданинг матнидаги** «наrsa ва ҳужжатларнинг» деган сўзлар «нарсаларнинг, ҳужжатларнинг ва электрон маълумотларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

17) **158-модданинг биринчи қисмидаги** «наrsa ёки ҳужжатлар» деган сўзлар «нарсалар ёки ҳужжатлар ёхуд электрон маълумотлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18) **159-модданинг иккинчи қисмидаги** «наrsa ёки ҳужжатларнинг» деган сўзлар «нарсаларнинг ёки ҳужжатларнинг ёхуд электрон маълумотларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

19) **161-модданинг:**

иккинчи қисмидаги «наrsa ва ҳужжатларни» деган сўзлар «нарсаларни, ҳужжатларни ва электрон маълумотларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи, олтинчи ва еттинчи қисмлари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Суриштирувчи, терговчи олиб қўйиш чоғида қарор ёки ажрим билан таништирганидан кейин олиниши лозим бўлган нарсаларни, ҳужжатларни ва электрон маълумотларни ихтиёрий равишда беришни таклиф қилади, таклиф рад этилган тақдирда мажбурий равишда олади. Агар бу нарсалар, ҳужжатлар ва электрон маълумотлар олиб қўйишни амалга ошириш тўғрисидаги қарорда ёки ажримда кўрсатилган жойдан топилмаса, у ҳолда тинтув ўтказилади.

Суриштирувчи, терговчи тинтув ўтказишга киришаётганида қарорни ёки ажримни тақдим этганидан кейин олиб қўйилиши керак бўлган нарсаларни, ҳужжатларни ёки электрон маълумотларни беришни таклиф этади. Агар улар ихтиёрий равишда берилса, олиб қўйиш баённомаси тузилади. Агар қидирилаётган нарсалар, ҳужжатлар ёки электрон маълумотлар берилмаса ёхуд тўлиқ ҳолда берилмаса, тинтув ўтказилади. Тинтув чоғида тинтув ўтказиш тўғрисидаги қарорда ёки ажримда кўрсатилган нарсалар ёки ҳужжатлар ёхуд электрон маълумотлар қидирилади ва олинади. Иш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа нарсалар, ҳужжатлар ёки электрон маълумотлар, худди шунингдек сақланиши тақиқланган ашёлар топилган тақдирда, улар ҳам олиб қўйилиши лозим. Суриштирувчини, терговчини бу нарсаларни ёки ҳужжатларни ёхуд электрон маълумотларни олиб қўйишга ундаган асослар тинтув ўтказилганлиги ҳақидаги баённомада акс эттирилади.

Олинаётган нарсаларнинг, ҳужжатларнинг ва электрон маълумотларнинг ҳаммаси холисларга, олиб қўйиш ёки тинтув ўтказишда ҳозир бўлган бошқа шахсларга кўрсатилади, баённомада тўлиқ акс эттирилади, зарурат бўлган тақдирда ўралиб, муҳрланади. Ўровни очишга ва муҳрни олиб ташлашга кейинги иш юритиш давомида фақат холислар иштирокида йўл қўйилади»;

қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Шахсий электрон маълумотларни олиб қўйиш ва тинтув қилиш қонунга ҳамда суднинг қарорига асосан амалга оширилади»;

20) 162-модданинг:

биринчи қисмидаги «наrsa ва ҳужжатларни» деган сўзлар «нарсаларни, ҳужжатларни ҳамда электрон маълумотлар мавжуд бўлган электрон жисмларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисми:

3-бандидаги «наrsa ва ҳужжатлар» деган сўзлар «нарсалар, ҳужжатлар ва электрон маълумотлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4-бандидаги «наrsa ёки ҳужжатларни» деган сўзлар «нарсаларни ёки ҳужжатларни ёхуд электрон маълумотлар мавжуд бўлган электрон жисмларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

21) 163-модданинг:

биринчи қисмидаги «наrsa ва ҳужжатларни» деган сўзлар «нарсаларни, ҳужжатларни ва электрон маълумотларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Баённомада нарсаларнинг, ҳужжатларнинг ва электрон маълумотлар мавжуд бўлган электрон жисмларнинг айнан қаерда ва қандай шароитда топилганлиги, ихтиёрий равишда берилганлиги ёки мажбурий равишда олинганлиги кўрсатилиши керак. Барча олинган нарсалар, ҳужжатлар ва электрон маълумотлар мавжуд бўлган электрон жисмлар баённомада бирма-бир қайд қилиниб, уларнинг миқдори, ўлчови, оғирлиги, ҳар қайсисининг ўзига хос белгилари кўрсатилиши, зарурат бўлган тақдирда ўралиши ва муҳрланиши керак»;

учинчи қисмидаги «наrsa ва ҳужжатларни» деган сўзлар «нарсаларни ёки ҳужжатларни ёхуд электрон маълумотларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

22) 167-модданинг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суриштирувчи ёки терговчи алоқа муассасасига бориб, ушлаб турилган почта-телеграф жўнатмаларини холислар иштирокида, зарурат бўлганда эса тегишли мутахассис иштирокида очади ва кўздан кечиради. Иш учун аҳамиятга эга бўлган маълумотлар, нарсалар, ҳужжатлар, электрон маълумотлар топилган тақдирда, суриштирувчи, терговчи тегишли почта-телеграф жўнатмаларини олиб қўяди ёхуд улардан нусха кўчириш билан чегараланади. Кўздан кечирилган жўнатмаларда иш учун аҳамиятга эга бўлган маълумотлар, нарсалар, ҳужжатлар, электрон маълумотлар мавжуд бўлмаган тақдирда, суриштирувчи, терговчи кўздан кечирилган хат-хабарни эгасига етказиш тўғрисида ёки уни ўзи белгилаган муддатгача ушлаб туриш ҳақида кўрсатма беради»;

23) 175-модданинг биринчи қисми «ҳужжатлар» деган сўздан кейин «ахборот тизимларида, электрон жисмларда ва Интернет жаҳон ахборот тармоғи манбаларида сақланаётган электрон маълумотлар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

24) 180-модданинг биринчи қисмидаги «ашёвий далиллар ва» деган сўзлар «ашёвий, ёзма ва рақамли далиллар ёки» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

25) **24-бобнинг номидаги «Нарсалар ва ҳужжатларни»** деган сўзлар **«Нарсаларни, ҳужжатларни ва электрон маълумотларни»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

26) қуйидаги мазмундаги **201¹-модда** билан тўлдирилсин:

«201¹-модда. Терговга қадар текширувни амалга ошираётган органнинг мансабдор шахсига, суриштирувчига, терговчига, прокурорга ёки судга электрон маълумотларни ўз ташаббуси билан тақдим этиш

Фуқаролар, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари ўз тасарруфида бўлган электрон маълумотларни терговга қадар текширувни амалга ошираётган органнинг мансабдор шахсига, суриштирувчига, терговчига, прокурорга ёки судга ўз ташаббуси билан тақдим этишга ҳақли»;

27) **202-модданинг номи, биринчи ва иккинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«202-модда. Нарсаларни, ҳужжатларни ва электрон маълумотларни тақдим этиш баённомаси

Ашёвий далиллар сифатида аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлган нарсалар, ҳужжатлар ва электрон маълумотлар тақдим этилганлиги тўғрисида терговга қадар текширувни амалга ошираётган органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ушбу Кодекснинг 90, 91 ва 92-моддаларида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ баённома тузади, суд эса суд мажлисининг баённомасига ёзиб қўяди.

Баённомада:

1) нарсаларни ёки ҳужжатларни ёхуд электрон маълумотларни тақдим этган шахс тўғрисидаги маълумотлар;

2) ушбу шахснинг нарсаларни ёки ҳужжатларни ёхуд электрон маълумотларни ишга қўшиб қўйиш тўғрисидаги илтимосномаси;

3) нарсаларни ёки ҳужжатларни ёхуд электрон маълумотларни кўздан кечириш жараёни ва натижалари, агар улар почта орқали юборилган бўлса, уларнинг ўривини кўздан кечириш натижалари;

4) нарсаларнинг ёки ҳужжатларнинг ёхуд электрон маълумотларнинг терговга қадар текширувни амалга ошираётган органнинг мансабдор шахсига, суриштирувчига, терговчига ёки судга ҳақиқатан ҳам топширилганлиги ёхуд нарсалар ёки ҳужжатлар ёхуд электрон маълумотлар уни тақдим этган шахсга қайтариб берилганлиги кўрсатилади»;

28) **25-бобнинг номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«25-боб. Нарсаларни, ҳужжатларни ва электрон маълумотларни ашёвий, ёзма ва рақамли далил сифатида ишга қўшиб қўйиш»;

29) **203¹-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Далил деб эътироф этилган, жиноятга тайёргарлик кўриш ёки содир этиш учун махсус мўлжалланган, тайёрланган ёки мослаштирилган нарсалар, электрон маълумотлар, шунингдек жиний мақсадларга эришиш учун жиноят содир этиш жараёнида бевосита фойдаланилган мол-мулк жиноят қуролидир»;

30) қуйидаги мазмундаги **204¹** ва **204²-моддалар** билан тўлдирилсин:

«204¹-модда. Электрон маълумотлар

Электрон маълумотлар электрон қурилмалардан ва ахборот тизимларидан, шунингдек ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда яратиладиган, ишлов бериладиган ҳамда сақланадиган маълумотлардир.

Гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва бошқа шахслар электрон маълумотларни ушбу маълумотларнинг кўчирма нусхасини электрон жисмдан электрон маълумотлар мавжуд бўлган бошқа электрон жисмга олиш орқали тақдим этишга ҳақли.

Терговга қадар текширувни амалга ошираётган органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд тақдим этилган электрон маълумотларни мутахассис иштирокида қабул қилиб олади ҳамда электрон маълумотлар мавжуд бўлган бирламчи электрон жисмларни кўздан кечиради.

Иш учун аҳамиятга эга бўлмаган электрон маълумотлар мавжуд бўлган электрон жисмлар эгаларига дарҳол қайтариб берилади.

204²-модда. Рақамли далиллар

Иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган электрон маълумотлар, шу жумладан электрон тарздаги файллар, аудио-, видеоёзувлар, Интернет жаҳон ахборот тармоғида сақланаётган маълумотлар, шунингдек бошқа электрон маълумотлар рақамли далиллардир.

Рақамли далилдан кўчирма нусха олишга, башарти унинг яхлитлиги ва айнан ўхшашлиги сақланса, йўл қўйилади.

Рақамли далилдан кўчирма нусха олишга йўл қўйилиши ўзидан мазкур кўчирма нусха олинган рақамли далилнинг асли мавжудлиги билан таъминланади.

Гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва бошқа шахслар рақамли далилларнинг кўчирма нусхаларини қоғозда чоп этилган шаклда тақдим этиш ҳуқуқига эга. Бунда рақамли далилнинг қоғоздаги шакли ёзма далил деб ҳисобланиши мумкин эмас.

Терговга қадар текширув, суриштирув, тергов ва суд жараёнида тузилган процессуал баённомаларга илова қилинган, электрон маълумотлар тарзида шакллантирилган аудио-, видеоёзувлар ҳам рақамли далиллар ҳисобланади.

Рақамли далилнинг кўчирма нусхаси иш материаллари билан бирга сақланади»;

31) **205-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«205-модда. Ашёвий, ёзма ва рақамли далилларни олиш усуллари

Ашёвий, ёзма ва рақамли далиллар сифатида фойдаланиладиган нар-

салар, ҳужжатлар, электрон маълумотлар ва бошқа ёзувлар ҳодиса содир бўлган жойни ёки бошқа жойларни, биноларни, шунингдек техника воситаларини, телекоммуникация тармоқларини ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғини кўздан кечириш чоғида, таниб олиш учун кўрсатиш, гувоҳлантириш, мурдани эксгумация қилиш, эксперт текшируви учун намуналар олиш, кўрсатувни ҳодиса юз берган жойда текшириш чоғида, олиб қўйиш, тинтув ёки эксперимент ўтказиш чоғида олиниши мумкин ёхуд улар ушбу Кодекснинг 198 — 202-моддаларида назарда тутилган тартибда терговга қадар текширувни амалга ошираётган органнинг мансабдор шахсига, суриштирувчига, терговчига, прокурорга ёки судга тақдим этилиши мумкин»;

32) **208-модда** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«208-модда. Ашёвий, ёзма ва рақамли далилларни сақлаш ҳамда бошқа жойга юбориш

Ашёвий, ёзма ва рақамли далилларни сақлаш, шунингдек ушбу далилларнинг экспертизага юборилганлиги ёки жиноят иши бошқа терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов органига, прокурорга ёхуд судга ўтказилганлиги муносабати билан уларни бошқа жойга юбориш чоғида ашёвий, ёзма ва рақамли далиллар йўқолишининг, шикастланишининг, бузилишининг, бир-бирига қўшилиб ёки аралашиб кетишининг олдини олиш чоралари кўрилиши керак.

Ишни ўтказишда у билан бирга юборилаётган ашёвий, ёзма ва рақамли далиллар илова хатда ёки унга илова қилинаётган рўйхатда санаб ўтилади. Бундан ташқари айблов хулосасига ёки айблов далолатномасига илова қилинган маълумотномада ишдаги мавжуд барча ашёвий, ёзма ва рақамли далиллар ҳар бирининг каерда эканлиги кўрсатилган ҳолда бирма-бир санаб ўтилган бўлиши керак.

Ашёвий, ёзма ва рақамли далиллар почта ёки чопар орқали етказиб берилганда терговга қадар текширувни амалга ошираётган органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья олинган далилларни ҳолислар иштирокида, зарур бўлган ҳолларда эса эксперт ёхуд мутахассислар иштирокида кўздан кечиради ва уларни илова хати ёки рўйхати билан солиштиради. Кўздан кечириш жараёни ва натижалари тўғрисида баённома тузилади.

Ашёвий, ёзма ва рақамли далиллар улар ҳақидаги масала суднинг қонуний қучга кирган ҳукми, ажрими билан ёхуд терговга қадар текширувни амалга ошираётган орган мансабдор шахсининг, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ишни тугатиш тўғрисидаги қарори билан ҳал қилинмагунига қадар сақлаб турилади. Ушбу Кодекснинг 210-моддасида назарда тутилган ҳолларда ашёвий далиллар тўғрисидаги қарор иш юритиш тамом бўлгунига қадар қабул қилиниши мумкин.

Ашёвий, ёзма ва рақамли далил сифатида ишга қўшиб қўйилган нарсага, ҳужжатга ва (ёки) электрон маълумотларга эгалик қилиш ҳуқуқи тўғрисидаги низо фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида ҳал қилиниши лозим бўлганда ушбу нарса, ҳужжат ва (ёки) электрон маълумотлар фуқаровий

иш бўйича суд чиқарган ҳал қилув қарори қонуний кучга киргунига қадар сақланиши керак»;

33) **320²-модданинг биринчи қисмидаги** «жиноят излари, нарсалар ва ҳужжатларни» деган сўзлар «жиноят изларини, нарсаларни, ҳужжатларни ва электрон маълумотларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

34) **331-модданинг тўртинчи қисмидаги** «жиноят излари, нарсалар ва ҳужжатларни» деган сўзлар «жиноят изларини, нарсаларни, ҳужжатларни ва электрон маълумотларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

35) **380-модданинг биринчи қисми** «ашёвий» деган сўздан кейин «ёзма ва рақамли» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

36) **381¹²-модданинг учинчи қисми** «ашёвий» деган сўздан кейин «ёзма ва рақамли» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

37) **405¹⁰-модда иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошиси** «ашёвий» деган сўздан кейин «ёзма ва рақамли» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

38) **438-модданинг биринчи қисми** «ашёвий» деган сўздан кейин «ёзма ва рақамли» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

39) **444-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Суд суриштирувда ва дастлабки терговда ишга қўшилган ашёвий, ёзма ва рақамли далилларни, шунингдек тарафлар ва бошқа шахслар бевосита суд муҳокамасида тақдим этган нарсаларни, ҳужжатларни ва электрон маълумотларни суд мажлиси залида тарафларнинг иштирокида кўздан кечиради. Суд кўздан кечиришда иштирок этишга экспертларни, мутахассисларни, гувоҳларни ҳам жалб этиши мумкин»;

40) **446-модданинг бешинчи қисмидаги** «ёзма» деган сўз «ашёвий, ёзма ва рақамли» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

41) **457-модда биринчи қисмининг 12-банди** «ашёвий» деган сўздан кейин «ёзма ва рақамли» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

42) **486-модданинг 4-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4) иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар, ашёвий, ёзма ёки рақамли далиллар талаб қилиб олинмаган бўлса»;

43) **522-модда учинчи қисмининг 1-банди** «ашёвий» деган сўздан кейин «ёзма ва рақамли» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

44) **572-модданинг учинчи қисми** «ашёвий» деган сўздан кейин «ёзма ва рақамли» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

45) **584-модда учинчи қисмининг 3-банди** «ашёвий» деган сўздан кейин «ёзма ва рақамли» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

46) **586-модда тўртинчи қисмининг 3-банди** «ашёвий» деган сўздан кейин «ёзма ва рақамли» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

47) **591-модда учинчи қисмининг олтинчи хатбошиси** «ашёвий» деган сўздан кейин «ёзма ва рақамли» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

48) **593-модда биринчи қисмининг 5-банди** «ашёвий» деган сўздан кейин «ёзма, рақамли» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Респуб-**

ликасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1,1,3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921, 923, 924-моддалар, № 12, 1004-модда; 2024 йил, № 1,5, 7, 8, 9-моддалар, № 2, 102, 111, 115, 116-моддалар, № 3, 243, 246-моддалар, № 6, 530, 532-моддалар, № 7, 629-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) **276-модданинг иккинчи қисми** «ашёвий» деган сўздан кейин «ёзма ва рақамли» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **282-модданинг биринчи қисмидаги** «ашёвий» деган сўз чиқариб ташлансин;

3) **299-модданинг бешинчи қисмидаги** «ашёвий далиллар» деган сўзлар «ашёвий, ёзма, рақамли далилларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **299²-модданинг учинчи қисмидаги** «ашёвий далиллар» деган сўзлар «ашёвий, ёзма, рақамли далилларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **308-модда биринчи қисмининг 6-банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«6) ишни кўриб чиқиш чоғида ўрганилган ашёвий, ёзма, рақамли далиллар ва ҳужжатлар»;

6) **313³-модда учинчи қисмининг учинчи хатбошиси** «ашёвий» деган сўздан кейин «ёзма ва рақамли» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

7) **313⁵-модда учинчи қисмининг учинчи хатбошиси** «ашёвий» деган сўздан кейин «ёзма ва рақамли» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «**Нотариат тўғрисида**»ги 343–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 42-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2006 йил, № 9, 498-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда; 2020 йил, № 1, 3-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 5, 464-модда) **70²-моддасининг иккинчи қисмидаги** «ёзма ва ашёвий» деган сўзлар «ашёвий, ёзма ва рақамли» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 16 октябрда қабул қилинган «**Ҳакамлик судлари тўғрисида**»ги ЎРҚ–64-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 541-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 5-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2024 йил, № 2, 105-модда) **20-моддаси биринчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги** «ёзма ва ашёвий» деган сўзлар «ашёвий, ёзма ва рақамли» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июнда қабул қилинган «**Суд экспертизаси тўғрисида**»ги ЎРҚ–249-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси,

2010 йил, № 6, 230-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 5, 261, 267-моддалар; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимча киритилсин:

1) **9-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ашёвий, ёзма ва рақамли далиллар, текшириш учун намуналар, бошқа моддий объектлар, мурдалар ва уларнинг қисмлари, хужжатлар, ахборот тизимлари, электрон маълумотлар мавжуд бўлган электрон жисмлар ва Интернет жаҳон ахборот тармоғи манбаларида сақланаётган электрон маълумотлар, шунингдек суд экспертизаси ўтказилаётган иш материаллари текшириш объектлари бўлиши мумкин. Текширишлар тирик одамга нисбатан ҳам ўтказилади»;

2) **15-модда биринчи қисмининг олтинчи хатбошиси** «ашёвий» деган сўздан кейин «ёзма, рақамли» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 22 январда қабул қилинган ЎРҚ–460-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фўқаролик процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 1-илова, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 5, 261-модда, № 9, 592-модда, № 10, 671-модда, № 11, 791, 792-моддалар, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1, 3-моддалар, № 3, 198, 199-моддалар; 2021 йил, № 1, 8-модда, 4-сонга илова, № 8, 803-модда, № 9, 903-модда; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 8, 787-модда; 2023 йил, № 4, 269-модда, № 12, 1007-модда; 2024 йил, № 2, 115-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) **13-модданинг биринчи қисми** «ашёвий» деган сўздан кейин «ва рақамли» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **54-модданинг матнидаги** «ёзма ва ашёвий» деган сўзлар «ашёвий, ёзма ва рақамли» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **59-модданинг биринчи қисми** «ашёвий» деган сўздан кейин «ёзма, рақамли» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) **71-модданинг биринчи қисмидаги** «ёзма ва ашёвий» деган сўзлар «ашёвий, ёзма ва рақамли» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **78-модданинг иккинчи қисмидаги** «ёзма ва ашёвий» деган сўзлар «ашёвий, ёзма ва рақамли» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) қуйидаги мазмундаги **89¹ — 89⁴-моддалар** билан тўлдирилсин:

«89¹-модда. Электрон маълумотлар

Электрон маълумотлар электрон қурилмалардан ва ахборот тизимларидан, шунингдек ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда яратиладиган, ишлов бериладиган ҳамда сақланадиган маълумотлардир.

Ишда иштирок этувчи тарафлар, гувоҳлар ҳамда бошқа шахслар электрон маълумотларни ушбу маълумотларнинг кўчирма нусхасини электрон жисмдан электрон маълумотлар мавжуд бўлган бошқа электрон жисмга олиш орқали тақдим этишга ҳақли.

Суд тақдим этилган электрон маълумотларни мутахассис иштирокида

қабул қилиб олади ҳамда электрон маълумотлар мавжуд бўлган бирламчи электрон жисмни кўздан кечиради.

Иш учун аҳамиятга эга бўлмаган электрон маълумотлар мавжуд бўлган электрон жисмлар эгаларига дарҳол қайтариб берилади.

89²-модда. Рақамли далиллар

Иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган электрон маълумотлар, шу жумладан электрон тарздаги файллар, аудио-, видеоёзувлар, Интернет жаҳон ахборот тармоғида сақланаётган маълумотлар, шунингдек бошқа электрон маълумотлар рақамли далиллардир.

Рақамли далилдан кўчирма нусха олишга, башарти унинг яхлитлиги ва айнан ўхшашлиги сақланса, йўл қўйилади.

Рақамли далилдан кўчирма нусха олишга йўл қўйилиши ўзидан мазкур кўчирма нусха олинган рақамли далилнинг асли мавжудлиги билан таъминланади, бундан нотариус томонидан тасдиқланган рақамли далиллар мустасно. Ишда иштирок этувчи тарафлар, гувоҳлар ва бошқа шахслар рақамли далилларнинг кўчирма нусхаларини қоғозда чоп этилган шаклда тақдим этиш ҳуқуқига эга. Бунда рақамли далилнинг қоғоздаги шакли ёзма далил деб ҳисобланиши мумкин эмас, бундан нотариус томонидан тасдиқланган рақамли далил мустасно.

Суд жараёнида тузилган процессуал баённомаларга илова қилинган, электрон маълумотлар тарзида шакллантирилган аудио- ва видеоёзувлар ҳам рақамли далиллар ҳисобланади.

Рақамли далилнинг кўчирма нусхаси иш материаллари билан бирга сақланади.

89³-модда. Рақамли далилларни тақдим этиш мажбурияти

Фуқаролар, шунингдек корхоналарнинг, муассасаларнинг, ташкилотларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари ўз тасарруфида бўлган, суд ҳаракатларини амалга оширишда фойдаланиш учун зарур бўлган электрон маълумотларни суднинг қонуний талабига кўра электрон жисмлар билан бирга тақдим этиши шарт.

Агар суд томонидан рақамли далиллар талаб қилинаётган шахс уни суд белгилаган муддатда тақдим этиш имконига эга бўлмаса, ушбу шахс сабабларни кўрсатган ҳолда бу ҳақда судни хабардор қилиши шарт.

Рақамли далилларни ўз ихтиёри билан тақдим этаётган шахс ушбу далиллар ёрдамида иш учун аҳамиятга эга бўлган қандай ҳолатларни аниқлаш мумкин эканлигини маълум қилади.

Ишда иштирок этаётган шахс бошқа шахслар тасарруфида бўлган, иш учун муҳим бўлган рақамли далилларни талаб қилиб олиш ҳақидаги илтимоснома билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бунда илтимоснома бераётган шахс рақамли далиллар муайян шахсда қайси асосга кўра турганлигини, шунингдек уларнинг жойлашган ери ҳақида маълум қилади.

Суд рақамли далилларни талаб қилиб олиш ҳақида илтимоснома бераёт-

ган шахсга рақамли далилни судга тақдим этиш учун олиш ҳуқуқига доир сўров бериши мумкин.

Ишда иштирок этмаётган, суд томонидан талаб қилинаётган рақамли далилларни тақдим этиш имконига эга бўлмаган фуқаролар, шунингдек корхоналарнинг, муассасаларнинг, ташкилотларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари сабабларни кўрсатган ҳолда бу ҳақда судни хабардор қилиши шарт.

Суд томонидан давлат органларидан, ташкилотлардан ёки фуқаролардан талаб қилинадиган рақамли далиллар бевосита судга юборилади.

Суд хабардор қилинмаган тақдирда, шунингдек рақамли далилларни узрли сабабларсиз тақдим этиш рад этилган тақдирда, суд ташкилотларнинг айбдор мансабдор шахсларига, шунингдек фуқароларга ушбу Кодекснинг 146-моддасида белгиланган тартибда жарима солади.

Жарима солиниши мансабдор шахсларни ва фуқароларни суд томонидан талаб қилинаётган рақамли далилларни тақдим этиш мажбуриятидан озод этмайди.

89⁴-модда. Рақамли далилларни кўздан кечириш ва текшириш шартлари

Суд мутахассис иштирокида рақамли далилларни бевосита кўздан кечириши ва текшириши шарт.

Рақамли далилларни судга тақдим этиш мумкин бўлмаган ёки уларни етказиб беришда қийинчиликлар мавжуд бўлган тақдирда суд мазкур далиллар сақланадиган жойда уларнинг кўздан кечирилишини ва текширилишини талаб қилиши мумкин»;

7) **104-модданинг иккинчи қисмидаги** «ёзма ва ашёвий» деган сўзлар «ашёвий, ёзма ва рақамли» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **204-модда биринчи қисмининг 6-бандидаги** «ёзма ва ашёвий» деган сўзлар «ашёвий, ёзма ва рақамли» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) қуйидаги мазмундаги **233¹-модда** билан тўлдирилсин:

«233¹-модда. Рақамли далилларни текшириш

Рақамли далиллар ёки ушбу Кодекснинг 76, 83, 103 ва 104-моддаларида назарда тутилган тартибда тузилган уларни кўздан кечириш баённомалари суд мажлисида намойиш этилади ёки ўқиб эшиттирилади ва ишда иштирок этувчи шахсларга, зарур бўлган ҳолларда эса экспертларга, мутахассисларга ҳамда гувоҳларга танишиш учун тақдим этилади. Шундан кейин ишда иштирок этувчи шахслар ушбу далиллар юзасидан тушунтиришлар бериши мумкин»;

10) **239-модданинг:**

биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Судга олиб келиш мумкин бўлмаган ашёвий, ёзма ва рақамли далиллар турган жойида кўздан кечирилади ва текширилади. Кўздан кечиришни жойида ўтказиш тўғрисида суд ажрим чиқаради»;

учинчи қисмидаги «ёзма ва ашёвий» деган сўзлар «ашёвий, ёзма ва рақамли» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **277-модда биринчи қисмининг:**

10-бандидаги «ёзма ва ашёвий» деган сўзлар «ашёвий, ёзма ва рақамли» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11) ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари, гувоҳларнинг кўрсатувлари, экспертларнинг ўз хулосаларини оғзаки тушунтиришлари, мутахассисларнинг тушунтиришлари, ашёвий, ёзма ва рақамли далилларни кўздан кечиришга оид маълумотлар»;

12) **437-модда иккинчи қисмининг 2-бандидаги** «ашёвий» деган сўз чиқариб ташлансин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 январда қабул қилинган ЎРҚ–461-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 2-илова, № 7, 433-модда, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 5, 261, 266-моддалар, № 9, 592-модда, № 10, 671-модда, № 11, 791-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда; 2021 йил, № 1, 10-модда, 4-сонга илова, № 8, 803-модда, № 9, 903-модда; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 5, 463-модда, № 6, 577-модда, № 8, 787-модда; 2023 йил, № 4, 269-модда, № 12, 1008-модда; 2024 йил, № 2, 111-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) **56-модданинг биринчи қисми** «ашёвий» деган сўздан кейин «ёзма, рақамли» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **66-модданинг биринчи қисмидаги** «ёзма ва ашёвий» деган сўзлар «ашёвий, ёзма ва рақамли» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **70-модданинг бешинчи қисмидаги** «Ёзма ва ашёвий» деган сўзлар «Ашёвий, ёзма ва рақамли» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) қуйидаги мазмундаги **76¹** ва **76²-моддалар** билан тўлдирилсин:

«76¹-модда. Электрон маълумотлар

Электрон маълумотлар электрон қурилмалардан ва ахборот тизимларидан, шунингдек ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда яратиладиган, ишлов бериладиган ҳамда сақланадиган маълумотлардир.

Ишда иштирок этувчи тарафлар, гувоҳлар ва бошқа шахслар электрон маълумотларни ушбу маълумотларнинг кўчирма нусхасини электрон жисмдан электрон маълумотлар мавжуд бўлган бошқа электрон жисмга олиш орқали тақдим этишга ҳақли.

Суд тақдим этилган электрон маълумотларни мутахассис иштирокида қабул қилиб олади ҳамда электрон маълумотлар мавжуд бўлган бирламчи электрон жисмни кўздан кечиради.

Иш учун аҳамиятга эга бўлмаган электрон маълумотлар мавжуд бўлган электрон жисмлар эгаларига дарҳол қайтариб берилади.

76²-модда. Рақамли далиллар

Иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган электрон маълумотлар, шу жумладан электрон тарздаги файллар, аудио-, видеоёзувлар, Интернет жаҳон ахборот тармоғида сақланган маълумотлар, шунингдек бошқа электрон маълумотлар рақамли далиллардир.

Рақамли далилдан кўчирма нусха олишга, башарти унинг яхлитлиги ва айнан ўхшашлиги сақланса, йўл қўйилади.

Рақамли далилдан кўчирма нусха олишга йўл қўйилиши ўзидан мазкур кўчирма нусха олинган рақамли далилнинг асли мавжудлиги билан таъминланади, бундан нотариус томонидан тасдиқланган рақамли далиллар мустасно. Ишда иштирок этувчи тарафлар, гувоҳлар ва бошқа шахслар рақамли далилларнинг кўчирма нусхаларини қоғозда чоп этилган шаклда тақдим этишга ҳуқуқига эга. Бунда рақамли далилнинг қоғоздаги шакли ёзма далил деб ҳисобланиши мумкин эмас, бундан нотариус томонидан тасдиқланган рақамли далил мустасно.

Суд жараёнида тузилган процессуал баённомаларга илова қилинган, электрон маълумотлар тарзида шакллантирилган аудио- ва видеоёзувлар ҳам рақамли далиллар ҳисобланади.

Рақамли далилнинг кўчирма нусхаси иш материаллари билан бирга сақланади»;

5) **168-модданинг биринчи қисмидаги** «ёзма далиллар» деган сўзлар «ашёвий, ёзма ва рақамли далиллар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **177-модданинг иккинчи қисмидаги** «ашёвий» деган сўз чиқариб ташлансин;

7) **201-модда иккинчи қисмининг:**

8-бандидаги «ёзма ва ашёвий» деган сўзлар «ашёвий, ёзма ва рақамли» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9-бандидаги «ашёвий ва ёзма» деган сўзлар «ашёвий, ёзма ва рақамли» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **247-модданинг биринчи қисмидаги** «ёзма» деган сўз «ашёвий, ёзма ва рақамли» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 25 январда қабул қилинган ЎРҚ–462-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 3-илова, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 5, 261-модда, № 9, 592-модда, № 11, 791-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 198-модда; 2021 йил, № 1, 9-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 9, 903-модда; 2022 йил, № 8, 787-модда, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 185-модда, № 4, 269-модда, № 11, 923-модда, № 12, 1009-модда; 2024 йил, № 2, 115-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) **53-модданинг биринчи қисми** «ашёвий» деган сўздан кейин «ёзма ва рақамли» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **65-модданинг биринчи қисмидаги** «ёзма ва ашёвий» деган сўзлар «ашёвий, ёзма ва рақамли» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **69-модданинг бешинчи қисмидаги** «Ёзма ва ашёвий» деган сўзлар «Ашёвий, ёзма ва рақамли» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) қуйидаги мазмундаги **75¹** ва **75²-моддалар** билан тўлдирилсин:

«75¹-модда. Электрон маълумотлар

Электрон маълумотлар электрон курилмалардан ва ахборот тизимларидан, шунингдек ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда яратиладиган, ишлов бериладиган ҳамда сақланадиган маълумотлардир.

Ишда иштирок этувчи тарафлар, гувоҳлар ва бошқа шахслар электрон маълумотларни ушбу маълумотларнинг кўчирма нусхасини электрон жисмдан электрон маълумотлар мавжуд бўлган бошқа электрон жисмга олиш орқали тақдим этишга ҳақли.

Суд тақдим этилган электрон маълумотларни мутахассис иштирокида қабул қилиб олади ҳамда электрон маълумотлар мавжуд бўлган бирламчи электрон жисмни кўздан кечиради.

Иш учун аҳамиятга эга бўлмаган электрон маълумотлар мавжуд бўлган электрон жисмлар эгаларига дарҳол қайтариб берилади.

75²-модда. Рақамли далиллар

Иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган электрон маълумотлар, шу жумладан электрон тарздаги файллар, аудио-, видеоёзувлар, Интернет жаҳон ахборот тармоғида сақланаётган маълумотлар, шунингдек бошқа электрон маълумотлар рақамли далиллардир.

Рақамли далилдан кўчирма нусха олишга, башарти унинг яхлитлиги ва айнан ўхшашлиги сақланса, йўл қўйилади.

Рақамли далилдан кўчирма нусха олишга йўл қўйилиши ўзидан мазкур кўчирма нусха олинган рақамли далилнинг асли мавжудлиги билан таъминланади, бундан нотариус томонидан тасдиқланган рақамли далиллар мустасно. Ишда иштирок этувчи тарафлар, гувоҳлар ва бошқа шахслар рақамли далилларнинг кўчирма нусхаларини қоғозда чоп этилган шаклда тақдим этиш ҳуқуқига эга. Бунда рақамли далилнинг қоғоздаги шакли ёзма далил деб ҳисобланиши мумкин эмас, бундан нотариус томонидан тасдиқланган рақамли далил мустасно.

Суд жараёнида тузилган процессуал баённомаларга илова қилинган, электрон маълумотлар тарзида шакллантирилган аудио- ва видеоёзувлар ҳам рақамли далиллар ҳисобланади.

Рақамли далилнинг кўчирма нусхаси иш материаллари билан бирга сақланади»;

5) **146-модданинг биринчи қисмидаги** «ёзма» деган сўз «ашёвий, ёзма ва рақамли» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **156-модданинг иккинчи қисмидаги** «ашёвий» деган сўз чиқариб ташлансин;

7) **175-модда иккинчи қисмининг:**

8-бандидаги «ёзма ва ашёвий» деган сўзлар «ашёвий, ёзма ва рақамли» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9-бандидаги «ашёвий ва ёзма» деган сўзлар «ашёвий, ёзма ва рақамли» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

10-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

11-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 21 ноябрь,
ЎРҚ–1003-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ҚОНУНИ**407** Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг муҳофазасини кучайтиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил
15 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2024 йил 24 октябрда
маъқулланган

Мамлакатимизда табиий муҳитни муҳофаза қилиш, муҳофаза этилади-ган табиий ҳудудларни кенгайтириш, камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимликлар ҳамда ҳайвонларнинг барқарор яшаш ва ўсиш шароитларини таъминлаш, биохилмахилликни сақлаб қолиш борасида салмоқли ишлар олиб борилмоқда.

Бироқ қонунчиликда белгиланган тақиқларга қарамай, электр токи, портловчи ва кимёвий моддалар ҳамда биологик препаратлар каби тақиқланган қуроллар ва усуллардан фойдаланган ҳолда ов қилиш ҳамда балиқ овлаш ҳоллари ортиб бормоқда.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ҳайвонот ва ўсимлик дунёсидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Шунингдек «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги ва «Ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари нормалари мувофиқлаштирилмоқда, ов қуроли, шу жумладан балиқ овлаш қуроли билан боғлиқ ҳуқуқий бўшлиқлар бартараф этилмоқда.

Бундан ташқари ўз ҳудудида биноларни, иншоотларни ёки бошқа объектларни қуриш, реконструкция қилиш чоғида белгиланган талабларни бузиб, кимёвий, биологик воситаларни қўллаган ҳолда дарахтларни, буталарни ёки бошқа ўсимликларни қасдан шикастлантирганлик, пайҳон қилганлик ёки йўқ қилганлик учун жавобгарлик белгиланмоқда.

Шу билан бирга экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари давлат инспекторининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилганлик, шунингдек унинг экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик бузилишларини бартараф этишга доир кўрсатмаларини бажармаганлик учун жавобгарлик кучайтирилмоқда.

Ушбу Қонун электр токи, портловчи ва кимёвий моддалар ҳамда биологик препаратлар каби тақиқланган қуроллардан ёки усуллардан фойдаланган ҳолда қонунга хилоф равишда ов қилиш ҳолларининг олдини олиш

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 22 ноябрда эълон қилинган.

орқали биологик ресурсларни муҳофаза қилишга, дарахтларни ва буталарни йўқ қилиш бўйича ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, шунингдек давлат инспекторларининг қонуний кўрсатмаларига риоя этилишини таъминлашга ва давлат экологик назорати институти самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 966, 968, 973-моддалар, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 466-моддалар, № 6, 575-модда, № 10, 981-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 187, 188-моддалар, № 4, 265-модда, № 5, 319-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921-модда; 2024 йил, № 1, 8-модда, № 2, 111-модда, № 3, 245-модда, № 8, 818-модда, № 9, 954, 964-моддалар) **202-моддасига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

иккинчи қисмининг санкцияси «икки йилдан уч йилгача ахлоқ туза-тиш ишлари ёхуд» деган сўзлардан кейин «муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

учинчи қисм:

диспозициясининг «г» банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«г) тақиқланган қуроллардан ёки усуллардан фойдаланган ҳолда (бундан электр токини, портловчи, кимёвий моддаларни ёки биологик препаратларни қўллаш ҳоллари мустасно);

санкцияси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Электр токини, портловчи, кимёвий моддаларни ёки биологик препаратларни қўллаган ҳолда ов қилиш ёхуд балиқ овлаш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

тўртинчи қисм бешинчи қисм деб ҳисоблансин;

бешинчи қисм «озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди» деган сўзлардан кейин «бундан ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1,

242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921, 923, 924-моддалар, № 12, 1004-модда; 2024 йил, № 1, 5, 7, 8, 9-моддалар, № 2, 102, 111, 115, 116-моддалар, № 3, 243, 245-моддалар, № 6, 530, 532-моддалар, № 7, 629-модда, № 8, 826, 829, 831-моддалар, № 9, 954, 964, 965-моддалар) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) 79-модда:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўз худудида биноларни, иншоотларни ёки бошқа объектларни қуриш, реконструкция қилиш чоғида белгиланган талабларни бузиб, кимёвий, биологик воситаларни қўллаган ҳолда дарахтларни, буталарни ёки бошқа ўсимликларни қасддан шикастлантириш, пайҳон қилиш ёки йўқ қилиш, —

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз беш бараваридан эллик бараваригача, мансабдор шахсларга эса — олти беш бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлари тегишинча **учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

учинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш, —

маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли бўлган ашёни ёки маъмурий ҳуқуқбузарликнинг бевосита ашёсини мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади»;

2) **90-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ов қилиш ва балиқ овлаш қоидаларини, шунингдек ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини амалга ошириш қоидаларини бузиш, жиноят аломатлари мавжуд бўлмаса, —

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўттиз бараваридан қирқ бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган худди шундай ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш, —

шу ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан қирқ бараваригача, мансабдор шахсларга эса — қирқ бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган худди шундай ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо чораси икки марта қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш, —

шу ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг қирқ бараваридан эллик бараваригача, мансабдор шахсларга эса — эллик бараваридан етмиш бараваригача миқдорда жарима солишга ёхуд шу ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб, уч йилгача муддатга ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этишга сабаб бўлади.

Тегишли рухсати бўлмай туриб ёки тақиқланган жойларда ёхуд тақиқланган муддатларда, тақиқланган қуроллардан ёки усуллардан фойдаланган ҳолда ов қилиш ёхуд балиқ овлаш (бундан электр токини, портловчи, кимёвий моддаларни ёки биологик препаратларни қўллаш ҳоллари мустасно), —

шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан етмиш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етмиш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга ёхуд шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб, уч йилгача муддатга ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этишга сабаб бўлади»;

3) **197⁶-модда:**

санкцияси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

қўйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўттиз бараваридан қирқ бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади»;

4) **245-модданинг биринчи қисмидаги** «79-моддасининг иккинчи қисмида» деган сўзлар «79-моддасининг учинчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **248-модда:**

биринчи қисмидаги «79-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида» деган сўзлар «79-моддасининг биринчи ва тўртинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг 1-бандидаги «79-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида» деган сўзлар «79-моддасининг биринчи ва тўртинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **248¹-модданинг:**

биринчи қисмидаги «79-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида» деган сўзлар «79-моддасининг биринчи ва тўртинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «79-моддасининг иккинчи қисмида» деган сўзлар «79-моддасининг учинчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **261-модданинг биринчи қисмидаги** «79-моддасининг биринчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида» деган сўзлар «79-моддасининг биринчи, иккинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган «**Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида**»ги 545–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 19 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ–408-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 9, 273-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 8, 470-модда; 2020 йил, № 7, 447-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 5, 466-модда, № 6, 570-модда; 2023 йил, № 9, 771-модда; 2024 йил, № 8, 831-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **32-модданинг биринчи қисмидаги** «бошқа ов қилиш воситалари» деган сўзлар «ов қилиш қуролларининг бошқа турлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **33-модданинг олтинчи қисмидаги** «бошқа ов қилиш воситалари» деган сўзлар «ов қилиш қуролларининг бошқа турлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **34-модда биринчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «балиқ тутиш воситалари» деган сўзлар «балиқ овлаш қуроллари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **45-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сони тартибга солиниши лозим бўлган ёввойи хайвонларнинг турлари ҳамда ёввойи хайвонларнинг сонини тартибга солиш бўйича тадбирларни ўтказиш усуллари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан, ёввойи хайвонлар ўртасида юқумли касалликлар белгилари аниқланган тақдирда

эса Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачилиқни ривожлантириш қўмитаси билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан белгиланади»;

5) **49-модданинг номи** ва **биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«49-модда. Қонунга хилоф равишда тутилган ёввойи ҳайвонларни, уларнинг яшаш фаолияти маҳсулотларини, шунингдек уларни қонунга хилоф равишда тутишда фойдаланилган ов қуролини ва ов қилиш қуралининг бошқа турларини олиб қўйиш

Қонунга хилоф равишда тутилган ёввойи ҳайвонлар, уларнинг яшаш фаолияти маҳсулотлари, шунингдек уларни қонунга хилоф равишда тутишда фойдаланилган ов қуроли ва ов қилиш қуралининг бошқа турлари қонунчиликда белгиланган тартибда олиб қўйилиши ёки мусодара қилиниши лозим».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 8 июлда қабул қилинган **«Ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисида»**ги ЎРҚ–627-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 7, 447-модда; 2022 йил, № 3, 216-модда; 2024 йил, № 1, 7-модда, № 8, 831-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **3-модда биринчи қисми иккинчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги** «ов қураоларининг» деган сўзлар «ов қилиш қураоларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **21-модда:**

биринчи қисми қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«балиқ овлаш қураоларидан»;

бешинчи хатбошиси олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қармоқлар, икки томонлама маҳкамланадиган ўнтадан кўп бўлмаган илгакли воситалар (переметлар), катак ўлчамли рухсат этилган ҳажмдаги тўрлар балиқ овлаш қураоларидир»;

иккинчи, учинчи ва **тўртинчи қисмлари** тегишинча **учинчи, тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

тўртинчи қисмининг бешинчи, олтинчи ва **еттинчи хатбошилари** қуйидаги мазмундаги **бешинчи** ва **олтинчи хатбошилар** билан алмаштирилсин:

«илгаклардан ва тўрлардан, бундан ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган балиқ овлаш қураолари мустасно;

туёқли ёввойи ҳайвонлар учун қопқонлардан».

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;
республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

7-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 21 ноябрь,
ЎРҚ–1004-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

408 Юртимизнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этишга интилаётган ватандошларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Бугунги кунда хорижда истиқомат қилаётган ватандошларни тарихий Ватани атрофида янада жипслаштириш, уларнинг қалби ва онгида юрт билан фахрланиш туйғусини юксалтириш, миллий ўзликни сақлаб қолиш, турли соҳаларда фаолият юритиб, мамлакатимиз тараққиётига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшаётган ватандошларимизни рағбатлантириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, иқтисодиёт, илм-фан, маданият ва санъат, спорт, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий соҳаларда юқори ютуқларга эришган, жаҳонда Ўзбекистоннинг ижобий имижини илгари суришга интилаётган, Ўзбекистон халқининг бебаҳо маънавий-маданий меросини сақлаш ва кўпайтиришга катта шахсий ҳисса қўшаётган, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида ва унинг манфаатларини қўзлаб хайрия (меценатлик) фаолиятини амалга ошираётган ватандошларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини «Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ–37-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, хорижда истиқомат қилаётган ватандошларни қўллаб-қувватлаш, улар билан доимий мулоқотни йўлга қўйиш, юртимизнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этишга интилаётган ватандошларга «Ватандош» гувоҳномасини расмийлаштириш тартибини жорий этиш мақсадида:

1. Қўйидагилар:

«Ватандош» гувоҳномаси ва «Ватандош» картасини расмийлаштириш, бериш ҳамда бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

«Ватандош» гувоҳномаси ва «Ватандош» картасининг шакли ва таснифи 2 ва 3-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. «Ватандош» гувоҳномасини бериш ҳамда бекор қилиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссия 4-иловага** мувофиқ таркибда тузилсин.

Қўйидагилар комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 22 ноябрда эълон қилинган.

** 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

«Ватандош» гувоҳномасини бериш учун тавсия этилган номзодларнинг уларга қўйилган талабларга жавоб беришини ўрганиш;

ишчи гуруҳлар тузган ҳолда, комиссия ваколатига кирадиган масалалар бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

«Ватандош» гувоҳномасини бериш учун номзодлар рўйхатини шакллантириш;

«Ватандош» гувоҳномаси бўйича тавсияномалар ва тақдимномалар қонунийлик, холислик, адолатлилик ва шаффофлик тамойиллари асосида ташаббус қилинганлигини ўрганиш.

3. «Ватандош» гувоҳномасини бериш ҳамда бекор қилиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссия тўғрисидаги низом 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки:

«Ватандош» гувоҳномасини бериш билан боғлиқ харажатлар Ташқи ишлар вазирлигига ажратилган бюджет маблағлари доирасида ҳамда бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан;

«Ватандош» картасини бериш, маълумотларни сақлаш билан боғлиқ харажатлар Ички ишлар вазирлигига ажратилган бюджет маблағлари доирасида ҳамда бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

5. Ички ишлар вазирлиги уч ой муддатда:

«Паспорт-виза» автоматлаштирилган ахборот тизими ва сервер қурилмаларини модернизация қилиш орқали тўлиқ рақамлаштирилган ҳолда, «Ватандош» картасини расмийлаштиришни;

«Паспорт-виза» автоматлаштирилган ахборот тизимини манфаатдор вазирлик ва идоралар ахборот тизимлари билан интеграция қилиш орқали ўзаро ахборот алмашинувини йўлга қўйсин.

6. Ташқи ишлар вазирлиги Ички ишлар вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб ташқи ишлар вазири Б.О. Саидов ҳамда ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 20 ноябрь,
ПҚ–397-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2024 йил 20 ноябрдаги
ПҚ-397-сон қарорига
1-ИЛОВА

**«Ватандош» гувоҳномаси ва «Ватандош» картасини
расмийлаштириш, бериш ҳамда бекор қилиш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом юртимизнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этишга интилаётган ватандошларга «Ватандош» гувоҳномасини ва «Ватандош» картасини расмийлаштириш, бериш ҳамда бекор қилиш тартибини белгилайди.

2. «Ватандош» гувоҳномаси ва «Ватандош» картаси Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиш учун асос ҳисобланмайди.

«Ватандош» гувоҳномаси ва «Ватандош» картаси ватандошнинг миллий паспорти ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳаракатланиш ҳужжати билан ҳақиқий ҳисобланади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланади:

«Ватандош» — келиб чиқиши Ўзбекистон ҳудудидан бўлган, хорижга чиққан ва хорижий давлат фуқаролигини ёки фуқаролиги бўлмаган шахс мақомини олган ёхуд этник, тил ва маданий-тарихий нуқтаи назардан ўзини ўзбеклар ёки қорақалпоқлар сифатида идентификация қилган, Ўзбекистон Республикаси билан маданий-гуманитар, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа алоқаларни ривожлантиришга ҳаракат қилаётган шахслар ва уларнинг авлодлари;

«Ватандош» гувоҳномаси — (кейинги ўринларда — гувоҳнома) хорижда истиқомат қилаётган ватандошларни рағбатлантириш шакли бўлиб, юртимизнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган, мамлакатимизнинг бошқа давлатлар билан дўстона муносабатларини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётган, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида хайрия (меценатлик) фаолиятини амалга ошираётган ватандошларга миннатдорчилик ва ташаккур белгиси ҳамда «Ватандош» картасини олиш учун асос ҳисобланадиган ҳужжат;

«Ватандош» картаси — гувоҳнома асосида 5 йил муддатга (ватандош миллий паспортининг амал қилиш санасидан ошмаган ҳолда) бериладиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мазкур Низомда белги-ланган имтиёزلардан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ID карта шаклидаги ҳужжат;

Комиссия — гувоҳномани бериш масалаларини кўриб чиқиш бўйича идоралараро коллегиял орган;

реестр — расмийлаштирилган гувоҳномаларнинг ягона ҳисоби;

тавсиянома — гувоҳномани бериш учун вазирлик ва идоралар томонидан бериладиган ҳужжат;

тақдимнома — гувоҳномани бекор қилиш учун бериладиган ҳужжат.

2-боб. «Ватандош» гувоҳномасини бериш асослари

4. Гувоҳнома қуйидаги ватандошларга берилади:

хўжалик жамиятларининг акциялари ва улушларини сотиб олган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий ёки қўшма корхона ташкил этиш тарзида инвестициялар киритган;

иктисодиёт, илм-фан, маданият ва санъат, спорт, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий соҳаларда юқори ютуқларга эришган, халқаро майдонда Ўзбекистоннинг ижобий имижини илгари суришга муносиб ҳисса қўшган, Ўзбекистон халқининг бебаҳо маънавий-маданий меросини сақлаш ва кўпайтиришда катта шахсий намуна кўрсатган, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида ва унинг манфаатларини кўзлаб хайрия (меценатлик) фаолиятини амалга оширган;

Ўзбекистон Республикаси билан бошқа давлатлар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшган.

5. Гувоҳнома ушбу Низомга 1-иловага* мувофиқ схема бўйича берилади.

3-боб. «Ватандош» гувоҳномасини расмийлаштириш ва бериш тартиби

6. Вазирлик ва идоралар томонидан таклиф ва ташаббус асосида гувоҳнома бериш бўйича тақдим этилган номзодларни кўриб чиқиш учун Комиссияга тавсиянома киритилади.

Бунда вазирлик ва идоралар фақатгина ўз соҳаси бўйича ушбу Низомнинг 4-бандида кўрсатилган ватандошларга гувоҳнома беришни ташаббус қилиб тавсиянома киритади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри хокимлари, «Ватандошлар» жамоат фонди бошқаруви раиси ушбу Низомнинг 4-бандида кўрсатилган ватандошларга гувоҳнома бериш ташаббуси билан чиқиши мумкин.

7. Тавсияномага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

киритилган инвестициялар миқдори, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий ёки қўшма корхона ташкил этилганлиги тўғрисидаги маълумотнома;

хўжалик жамиятларидан сотиб олинган акциялар ва улушлар, шунингдек, давлат активларининг миқдори тўғрисидаги маълумотнома;

илм-фан, маданият ва санъат, спорт, таълим, соғлиқни сақлаш ва

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ижтимоий соҳанинг ривожланишига қўшган ҳиссаси тўғрисидаги маълумотнома;

Ўзбекистон Республикасида амалга ошириладиган хайрия (меценатлик) лойиҳалари тўғрисидаги маълумотлар.

Тавсияномага илова қилинадиган маълумотлар ўз соҳаси бўйича ташаббускорлар томонидан берилади, қўшимча маълумотларни эса тегишли вазирлик ва идоралардан ташаббускор сўров қилиш орқали олади.

Тақдим этилган маълумотларнинг ҳаққонийлигига ташаббус қилган ҳамда маълумот тақдим этган вазирлик ва идораларнинг биринчи раҳбари жавобгар ҳисобланади.

8. Комиссия ўттиз кун ичида тавсияномани кўриб чиқиб, ватандошга гувоҳнома бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

9. Гувоҳнома Комиссиянинг гувоҳнома бериш тўғрисидаги қарорига асосан Ташқи ишлар вазирлиги томонидан расмийлаштирилади.

Гувоҳнома Марказий банкнинг «Давлат белгиси» давлат унитар корхонаси томонидан Ташқи ишлар вазирлиги буюртманомасига асосан белгиланган намунага мувофиқ шартнома асосида тайёрланади.

10. Гувоҳнома муддатсиз амал қилади ва Ички ишлар вазирлиги Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси ёки унинг ҳудудий бўлинмалари (кейинги ўринларда — МваФРБ) томонидан «Ватандош» картасини расмийлаштириш учун асос ҳисобланади.

11. Гувоҳнома Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхонаси ёхуд консуллик муассасалари раҳбарлари томонидан тантанали равишда эгаларига топширилади.

Ўзбекистон Республикаси билан дипломатик муносабатлар ўрнатилмаган ёхуд тугатилган давлатларда яшовчи ватандошларга гувоҳнома уларни Ўзбекистонга таклиф қилиш орқали республика ҳудудида ёки ушбу давлатларга амалга оширилган ташриф вақтида топширилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида гувоҳнома Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, «Ватандошлар» жамоат фонди бошқаруви раиси томонидан тантанали равишда топширилади.

12. Гувоҳномани бериш масаласини кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш гувоҳнома бериладиган шахсни хабардор қилмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

13. Ташқи ишлар вазирлиги гувоҳнома берилган шахслар реестри юритилишини таъминлайди ва бир иш кунида ҳар бир расмийлаштирилган гувоҳнома ҳақида Ички ишлар вазирлигини электрон шаклда хабардор қилади.

14. Реестрда қуйидагилар акс эттирилади:

ватандош тўғрисида маълумот (Ф.И.О., фуқаролиги, миллий паспорти ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳаракатланиш ҳужжатининг серияси ва рақами, амал қилиш муддати);

гувоҳноманинг рақами ва берилган санаси.

4-боб. «Ватандош» картасини расмийлаштириш ва бериш тартиби

15. «Ватандош» картаси мазкур Низомга 2-иловага* мувофиқ схема бўйича расмийлаштирилади.

16. «Ватандош» картасини олиш учун ватандош МваФРБга қуйидагиларни тақдим этади:

гувоҳнома;

чет эл фуқаросининг миллий паспорти ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳаракатланиш ҳужжати.

17. «Ватандош» картаси МваФРБ томонидан ҳужжатлар тўлиқ қабул қилиб олингандан сўнг бир иш куни мобайнида расмийлаштирилади.

МваФРБ тақдим этилган ҳужжатлар асосида ватандошнинг биографик маълумотларини, электрон кўринишдаги қўл бармоқ изларини йиғади, шахсни олд томондан рақамли форматда суратга олади ва «Ватандош» картасини расмийлаштириш учун талабнома шакллантиради.

18. Ватандошга МваФРБ томонидан «Ватандош» картаси бепул берилади ва картанинг амал қилиш даврида вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш давлат божи ундирилмасдан амалга оширилади.

5-боб. «Ватандош» картаси эгаларига бериладиган ҳуқуқ ва имтиёзлар

19. «Ватандош» картасига эга ватандошларга қуйидаги ҳуқуқлар берилди:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига визасиз кириш ва чиқиш;

мамлакат ҳудудига кўчмас мулк сотиб олишда чет эл фуқароларига нисбатан белгиланган кўчмас мулкнинг миқдорлари татбиқ этилмайди ва Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси талаб қилинмайди;

Хорижий фуқарога бериладиган меҳнат фаолиятига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларсиз меҳнат фаолияти билан шуғулланиш;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган шартларда тиббий, таълим ва бошқа давлат хизматларидан фойдаланиш.

20. «Ватандош» картаси эгаларининг оила аъзоларига (ота-онаси, эр (хотини) ва вояга етмаган фарзандлари) қуйидаги имтиёзлар берилди:

амалдаги виза муддатини узайтиришда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиш заруратсиз чекланмаган миқдорда узайтириш имконияти билан давлат божи ундирилмасдан кўп марталик виза олиш;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун назарда тутилган шартларда тиббий, таълим ва бошқа давлат хизматларидан фойдаланиш;

вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олишни давлат божи ундирилмасдан ички ишлар органларида расмийлаштириш ва узайтириш.

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

6-боб. «Ватандош» гувоҳномаси ва «Ватандош» картасини бекор қилиш тартиби

21. «Ватандош» гувоҳномаси ва «Ватандош» картаси қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

ватандошнинг Ташқи ишлар вазирлиги, вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари, хориждаги консуллик муассасалари ва дипломатик ваколатхоналари орқали берган ўз илтимосига кўра;

ватандош оғир ёки ўта оғир жиноят содир этганлиги учун ҳукм қилинган, шунингдек, киритилган инвестициялар (пул маблағлари ва бошқа мол-мулк) жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштирилиши билан боғлиқ жиноят содир этилиши натижасида олинган ҳолатларда — суднинг Комиссияга юборган тақдимномасига биноан;

ватандош вафот этганда Ташқи ишлар вазирлиги тақдимномасига биноан;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери, «Ватандошлар» жамоат фонди бошқаруви раиси томонидан Комиссияга юборилган тақдимномага асосан;

вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари томонидан ўз ташаббуси асосида берилган гувоҳнома эгаларига нисбатан Комиссияга юборилган тақдимномага биноан.

22. Гувоҳнома ва карта мазкур Низомга 3-иловага* мувофиқ схема бўйича бекор қилинади.

23. Мазкур Низомнинг 21-бандида кўрсатилган асослар мавжуд бўлган тақдирда Комиссия ўн беш иш куни ичида гувоҳномани бекор қилиш масаласини кўриб чиқади ҳамда қарор қабул қилади.

Комиссия томонидан гувоҳномани бекор қилиш тўғрисида қабул қилинган қарор уч иш кунида Ташқи ишлар вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигига юборилади:

Ташқи ишлар вазирлиги гувоҳномани беш иш кунида бекор қилади, реестрга бу ҳақда ўзгартириш киритади ҳамда гувоҳнома эгасини бу ҳақда хабардор этади.

Ички ишлар вазирлиги Комиссиянинг гувоҳномани бекор қилиш тўғрисидаги қарори асосида беш иш кунида «Паспорт-виза» автоматлаштирилган ахборот тизими орқали «Ватандош» картасини бекор қилади.

Агар тақдимномада «Ватандош» гувоҳномасини бекор қилиш учун асос бўлмаса, Комиссия бу ҳақда қарор қабул қилади ва ташаббускорга уч иш куни ичида юборади.

7-боб. Яқунловчи қоида

24. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2024 йил 20 ноябрдаги
ПҚ-397-сон қарорига
2-ИЛОВА

«Ватандош» гувоҳномасининг шакли ва таснифи



<p>____-sonli guvohnoma</p> <p>_____</p> <p>_____ ga</p> <p>(F.I.O.)</p> <p>_____ ning</p> <p>20__ y. " __ " _____ dagi ____-son</p> <p>qaroriga asosan</p> <p>“VATANDOSH”</p> <p>guvohnomasi berildi.</p> <p>M.O* _____ (initials) _____ (F.I.O.)</p> <p>_____ " __ " _____ 20__ yil</p>	<p>Certificate № _____</p> <p>_____</p> <p>_____ (Full name)</p> <p>According to the order № _____</p> <p>from _____ " __ " 20__ year</p> <p>was conferred with certificate of</p> <p>“COMPATRIOT”</p> <p>P.S _____ (signature) _____ (Full name)</p> <p>_____ " __ " _____ 20__ year</p>
--	--

«Ватандош» гувоҳномаси 110x75 миллиметр ўлчамдаги китобча шаклида бўлиб, 240 г/кв.м қалинликдаги офсет қоғоздан тайёрланади. Гувоҳнома-нинг ташқи томони (биринчи ва тўртинчи бетлари) кўк рангда бўлиб, плёнка билан қопланган. Гувоҳноманинг юқори чеккасидан (биринчи бети) 3,5 миллиметр пастда, марказда оралиғи 3,5 миллиметрли иккита сатрдан иборат матнда VATANDOSH GUVOHNOMASI («Times new Roman Bolt» шрифти, 17-кегль) сўзлари ёзилган.

Гувоҳноманинг пастки чеккасидан (биринчи бети) 35 миллиметр юқорида, марказда оралиғи 3,5 миллиметрли иккита сатрдан иборат матнда CERTIFICATE OF COMPATRIOT («Times new Roman Bolt» шрифти, 17-кегль) сўзлари ёзилган. Ёзувлар зарҳал рангда акс эттирилган.

Гувоҳноманинг ички томони (иккинчи ва учинчи бетлари) оч кулрангда бўлиб, офсет усулида чоп этилган. Гувоҳноманинг ички чап томони (иккинчи бети) юқори чеккасидан 8 миллиметр пастда, марказда «guvohnoma» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўзи ҳамда гувоҳнома тартиб рақами учун «-sonli» сўзи ва 15 миллиметрли чизиқ жойлашган. «___-sonli guvohnoma» сўзидан 11 миллиметр пастда гувоҳнома берилган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исмини қайд этиш учун оралиғи 8 миллиметрли учта чизиқ тортилган. Учинчи чизиқда «ga» сўзи ёзилган. Пастки чизиқдан 5 миллиметр қўйида, марказда оралиғи 4 миллиметрли учта сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда «ning», иккинчи сатрда «20__ -у. «___» _____dagi», кейин 15 миллиметр узунлигида қарор (буйруқ)нинг тартиб рақамини кўрсатиш учун чизиқ ва «-sonli» сўзи, учинчи сатрда «qarogiga asosan» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўзлари ёзилган. Пастки чизиқдан 6 миллиметр юқорида марказда «VATANDOSH» (катта ҳарфларда, «Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўзлари ёзилган матн жойлашган.

Ундан 5 миллиметр пастда «guvohnomasi berildi» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўзи ёзилган. Пастки чизиқдан 5 миллиметр қўйида, 4 миллиметрли икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда «М.О'», кейин 12 миллиметр узунлигида «Ватандош» гувоҳномасини имзолайдиган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исмини кўрсатиш ҳамда имзо қўйиш учун чизиқ, иккинчи сатрда «___» _____ 20__ -yil» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўзлари ёзилган.

Гувоҳноманинг ички ўнг томони (учинчи бети) юқори чеккасидан 8 миллиметр пастда, марказда «Certificate № _____» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўзи ҳамда гувоҳнома тартиб рақами учун «№» белгиси ва 15 миллиметрли чизиқ жойлашган. «Certificate № _____» сўзидан 11 миллиметр пастда гувоҳнома берилган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исмини қайд этиш учун оралиғи 8 миллиметрли учта чизиқ тортилган. 5 миллиметр пастда, марказда оралиғи 4 миллиметрли уч сатрдан иборат матн жойлашган.

Биринчи сатрда «According to the order № _____», иккинчи сатрда «from _____ «___» 20____ year», учинчи сатрда «was conferred with certificate of» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўзлари ёзилган. Пастки чизиқдан 6 миллиметр юқорида марказда «COMPATRIOT» (катта

ҳарфларда, «Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўзлари ёзилган матн жойлашган. Пастки чизиқдан 5 миллиметр қуйида, 4 миллиметрли икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда «P.S», кейин 12 миллиметр узунлигида «Ватандош» гувоҳномасини имзолайдиган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исмини кўрсатиш ҳамда имзо қўйиш учун чизиқ, иккинчи сатрда «___» _____ 20__ year» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўзлари ёзилган.

олдини олиш, химояланган тармоқдаги маълумотлар базаси билан солиштириш, шунингдек, бошқа шахс томонидан фойдаланилишига йўл қўймаслик имкониятини таъминлайди.

«Ватандош» картаси учун ишлатиладиган смарт карта (бланк)лардаги чип ICAO 9303 халқаро стандартига асосланган ва халқаро ахборот хавфсизлиги талабларига жавоб беради.

«Ватандош» картасига асосий ва қўшимча химоя элементлари ва воситалари киритилган.

«Ватандош» картаси химоя фони (ламинацион лентадаги Ўзбекистон гербининг тасвири, ёруғликда товланувчи нақшлар ва микроматнлар) ва икки қаватли нақш кўринишидаги расмдан иборат.

«Ватандош» картаси бланки ва ламинацион лентасидаги микроёзувлар 6 — 8 карра катталаштирилганда ўқилади.

«Ватандош» картаси бланklarини ишлаб чиқаришда қуйидаги хавфсизлик ва химоя элементларидан фойдаланиш имкониятлари таъминланган:

химоя шаблонлари:

- а) голографик микро-наноматн;
- б) «ДЕНТИФИКАЦИОННАЯ» сўзида атайлаб қилинган хато;
- в) «НАXSNI» сўзида атайлаб қилинган хато;
- г) гилош;
- д) оптик текшириладиган сиёх.

Ўзбекистон герби тасвирлаган, микроматнли ва ёруғликда товланувчи ламинацион лента билан қопланган;

қайта ўтказишли (ретрансферли) чоп этиш (HDP) технологиясига асосланган;

ёзувлар юқори аниқликда босиб чиқарилиши таъминланган (чоп этиш зичлиги 600 dpi).

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2024 йил 20 ноябрдаги
ПҚ-397-сон қарорига
5-ИЛОВА

**«Ватандош» гувоҳномасини бериш ҳамда бекор қилиш
масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссия тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом «Ватандош» гувоҳномасини бериш ҳамда бекор қилиш масалаларини кўриб чиқиш комиссиясининг (кейинги ўринларда — Комиссия) фаолиятини белгилайди.

2. Комиссия Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари ҳузуридаги вазирлик ва идоралар раҳбар ходимларидан ташкил топган коллегиял органдир.

Комиссия раиси, раис ўринбосари ва бошқа аъзолари унинг ишида жамоатчилик асосида иштирок этади.

3. Комиссия ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда мазкур Низомга амал қилади.

4. Комиссия хорижда истиқомат қилаётган ватандошларга «Ватандош» гувоҳномасини беришнинг мақсадга мувофиқлиги масалалари юзасидан манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан тавсиянома берилган номзодларни кўриб чиқади.

5. Комиссия ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга оширишда давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари, илмий-тадқиқот институтлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

6. Ташқи ишлар вазирлиги Комиссиянинг ишчи органи (кейинги ўринларда — ишчи орган) бўлиб, Комиссияга кўриб чиқиш учун киритиладиган хорижда истиқомат қилаётган ватандошларга «Ватандош» гувоҳномасини бериш масалаларига оид ҳужжатларни ишлаб чиқади ва тайёрлайди.

7. Комиссия «Ватандош» гувоҳномасини бериш масалаларини кўриб чиқиш жараёнида заруратга кўра тавсиянома берилган номзодлар ва бошқа маълумотларни ўрганиш бўйича тегишли вазирлик ва идоралардан кўшимча маълумотларни талаб қилиб олади, шунингдек, зарурат туғилганда тегишли мутахассисларни, вазирлик ва идораларнинг масъул ходимларини жалб этади.

2-боб. Комиссиянинг асосий вазифалари ва функциялари

8. Қуйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

«Ватандош» гувоҳномасини бериш учун тавсия этилган ватандошларнинг номзодларга қўйилган талабларга жавоб беришини ўрганиш;

вазирлик ва идоралар томонидан «Ватандош» гувоҳномасини бериш бўйича номзодларга қўйилган талаблардан четга чиққан ҳолда, номзодларни тўлиқ ўрганмасдан туриб тақдим қилиш ҳолатларига йўл қўймаслик;

Комиссия ваколатига кирадиган масалалар юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳларни тузиш;

«Ватандош» гувоҳномасини бериш бўйича номзодлар рўйхатини шакллантириш ва ўрганиш;

«Ватандош» гувоҳномасини бериш бўйича тавсияномалар беришда манфаатлар тўқнашуви, хизмат мавқеини сунистеъмол қилиш ҳолатлари мавжудлигини ўрганиш.

Комиссия қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа вазифаларни ҳам амалга оширади.

9. Комиссия ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қўйидаги функцияларни бажаради:

вазирлик ва идоралар томонидан «Ватандош» гувоҳномасини бериш бўйича тақдим этилган тавсияномалардаги номзодларнинг белгиланган талабларга мос келиши ҳамда улар томонидан амалга оширилган ишлар салмоғини, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида иштирок этишдаги ролини ўрганати;

«Ватандош» гувоҳномасини беришга номзодларнинг таржимаи ҳоли ва у билан боғлиқ маълумотларни кўриб чиқади ва уларнинг ҳаққонийлигини текшириш бўйича тегишли вазирлик ва идораларга ўрганиш учун жўнатади;

номзодлар бўйича вазирлик ва идораларга берилган кўрсатмалар ва топшириқлар ижроси тўлиқ амалга оширилишини назорат қилади;

вазирлик ва идораларнинг «Ватандош» гувоҳномаси ҳамда «Ватандош» картасини бериш билан боғлиқ фаолиятини назорат қилади;

«Ватандош» гувоҳномасини бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади;

амалдаги «Ватандош» гувоҳномасини тақдимнома асосида бекор қилиш ёхуд тақдимномани кўриб чиқишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади ва ижросини назорат қилади.

3-боб. Комиссия фаолиятини ташкил этиш

10. Комиссия раиси қўйидаги ваколатларни амалга оширади:

Комиссиянинг фаолиятига раҳбарлик қилиш;

Комиссия мажлисларини чақириш ва кун тартибини белгилаш;

Комиссия томонидан қабул қилинган қарорлар ижросининг назоратини ташкил этиш;

Комиссияга юкланган вазифаларни бажаришда унинг аъзолари фаолиятини мувофиқлаштириш;

Комиссия томонидан тузилган ишчи гуруҳлар фаолиятини назорат қилиш;

Комиссиянинг самарали ишлашини таъминлаш мақсадида бошқа ҳаракатларни амалга ошириш.

11. Комиссия ўз фаолиятини Комиссия раиси томонидан унинг аъзолари билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган иш регламентига мувофиқ ташкил этади.

12. Комиссия мажлисини раис, раис бўлмаганда унинг ўринбосари бошқаради.

13. Комиссия раисининг ўринбосари:

Комиссия йиғилишини ташкил этади;

Комиссия фаолиятининг асосий йўналишлари юзасидан таклифлар тайёрланишини ташкил этади;

ваколатли давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар билан биргаликда Комиссия томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини таъминлайди;

тегишли ахборот ва таклифларни Комиссия раисига киритади;

Комиссия раиси бўлмаганда ёки унинг топшириғи бўйича Комиссия йиғилишларига раислик қилади;

Комиссиянинг самарали иш олиб боришини таъминлаш мақсадида бошқа функцияларни ҳам бажаради.

14. Комиссия аъзолари:

Комиссия йиғилишлари кун тартибидаги масалалар бўйича муҳокамаларда иштирок этади;

вазирлик ва идоралар томонидан «Ватандош» гувоҳномасини бериш бўйича тақдим этилган тавсияномалардаги номзодларни белгиланган талабларга мос келишини ҳамда улар томонидан амалга оширилган ишлар салмоғини, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида иштирок этишдаги ролини ўрғанади;

«Ватандош» гувоҳномасини беришга номзодларнинг таржимаи ҳоли ва у билан боғлиқ маълумотларни кўриб чиқади ва уларнинг ҳаққонийлигини текширади;

«Ватандош» гувоҳномасини беришга номзодларни ўрганиб чиқиш ва танлашга доир долзарб масалалар юзасидан Комиссияга таклифлар киритади;

Комиссия томонидан кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан қарорлар лойиҳаларини тайёрлайди;

Комиссиянинг қарорлари ва қўйилган вазифаларнинг ижроси якунлари тўғрисидаги ҳисоботни Комиссия раисига тақдим этади;

Комиссиянинг самарали иш олиб боришини таъминлашга оид бошқа функцияларни бажаради.

15. Ишчи орган:

Комиссия фаолиятининг ташкилий-техник таъминотини амалга оширади; иш режалари лойиҳаларини тайёрлайди ва Комиссия муҳокамасига киритади;

Комиссия раиси билан йиғилиш ўтказиш муддати ва жойини, шунингдек, таклиф этилганлар рўйхатини келишади, Комиссия аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни йиғилиш санаси, вақти ва ўтказиладиган жойи ҳақида хабардор қилади;

Комиссия йиғилишида кўриб чиқиш учун материаллар ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди, шунингдек, вазирлик ва идоралардан «Ватандош» гувоҳномасини бериш бўйича тавсияномаларни қабул қилади ва жамлайди;

Комиссия йиғилишининг кун тартибидаги масалалар бўйича таҳлилий материалларни тайёрлайди;

Комиссия ишининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун зарур бўлган ахборот ва материалларни ваколатли давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа вазирлик ва идоралардан олади;

Комиссия ваколатига кирадиган масалалар юзасидан унинг қарорлари лойиҳаларини тайёрлайди;

Комиссия аъзоларининг таклиф ва мулоҳазаларини қабул қилади ҳамда уларни тизимлаштиради;

Комиссия йиғилиши баённомаларини расмийлаштиради ва тасдиқланган баённомалар нусхалари Комиссия аъзоларига юборилишини таъминлайди;

Комиссия қарорлари ижроси мониторингини юритади ва унинг яқунларини Комиссия йиғилишида кўриб чиқиш учун киритади;

Комиссиянинг қарорларига ҳамда Комиссия раиси ва ўринбосарларининг топшириқларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам бажаради.

4-боб. Комиссия қарорларини қабул қилиш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш

16. Комиссиянинг аъзолари йиғилиш ўтказилишидан камида икки иш куни олдин йиғилиш ўтказилиш вақти, жойи ва кун тартиби тўғрисида хабардор қилиниши лозим.

17. Йиғилишни Комиссия раиси (раис йўқлигида унинг кўрсатмаси асосида ўринбосари) олиб боради.

18. Комиссия аъзолари йиғилишларда шахсан иштирок этади. Комиссия аъзоси асоссиз сабабларга кўра уч мартадан ортиқ йиғилишларда иштирок этмаган тақдирда, унга нисбатан Комиссия раиси томонидан тегишли таъсир чоралари кўрилади.

19. Йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича қарорлар очиқ овоз бериш орқали кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Комиссиянинг ҳар бир аъзоси, шу жумладан, раис ҳам битта овозга эга бўлади.

20. Комиссия йиғилишда аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этганда қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

21. Комиссия йиғилишлари Комиссиянинг иш режасига мувофиқ, бироқ ҳар чоракда камида бир марта, шунингдек, Комиссия ваколатига тегишли бўлган шошилинч масалаларни кўриб чиқиш зарурати юзага келганда навбатдан ташқари ўтказилади.

Комиссия йиғилишлари баённома билан расмийлаштирилади.

22. Комиссия йиғилишларига кўриб чиқиладиган масалалардан келиб чиққан ҳолда, унинг таркибига киритилмаган давлат бошқаруви органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, илмий ва таълим ташкилотлари раҳбарлари ҳамда мутахассислари таклиф этилиши мумкин.

23. Комиссия аъзоларининг иш самарадорлигини баҳолаш мезонлари ва уларни рағбатлантириш механизмлари, даврийлиги ҳамда молиявий манбалари Комиссия йиғилишларида муҳокама қилиниб, тегишли қарор қабул қилиш орқали белгиланади.

24. Комиссия қарорлари унинг йиғилишида иштирок этадиган аъзоларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлганда, раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Комиссиянинг ҳар бир аъзоси қабул қилинаётган қарор юзасидан ўз фикрини ёзма равишда билдиришга ҳақли.

25. Қарорларни тезкор қабул қилиш мақсадида Комиссия раиси алоҳида масалалар юзасидан Комиссия аъзолари билан сўровнома ўтказиш орқали қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

26. Комиссия йиғилишида қабул қилинган қарорлар баённома билан расмийлаштирилади. Ушбу баённома раис томонидан тасдиқланади ва бир ҳафта муддатда Комиссия аъзолари, ваколатли давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа вазирлик ва идораларга юборилади.

27. Комиссия томонидан қабул қилинган қарордан норози бўлган Комиссия аъзолари (аъзоси) тегишли қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида ўз таклифлари ёки фикрларини ёзма равишда ишчи органга тақдим этиши мумкин.

28. Комиссия қарорларининг бажарилиши ишчи орган томонидан назорат қилинади.

29. Комиссия ўтказилган йиғилиш яқунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритади.

5-боб. Яқунловчи қоида

30. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**409 Аёллар орасида онкологик касалликларни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Аёллар орасида онкологик касалликларни эрта босқичда аниқлаш ва даволаш тизимини такомиллаштириш, скрининг жараёнларини самарали ташкил қилиш, замонавий скрининг усулларини амалиётга кенг жорий этиш, ушбу йўналишларда олиб борилаётган ишларни мувофиқлаштириш ҳамда мутахассисларнинг билимларини ошириш ва кўникмаларини ривожлантириш мақсадида:

1. 2025 — 2030 йилларда Бачадон бўйни ва кўкрак беги саратонини назорат қилиш дастурини (кейинги ўринларда — Дастур) амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси 1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, Дастурни амалга ошириш доирасида:

тиббиётнинг бирламчи бўғинида 30 — 65 ёшдаги аёлларнинг электрон базаси (рўйхати) шакллантирилади, уларни тиббий кўрикка таклиф қилиш тизими яратилади;

ҳар йили 30 — 50 ёшдаги аёлларда бачадон бўйни саратони скрининги одам папилломаси вирусини полимераза занжирли реакция текшируви усули орқали аниқлаш ҳамда суюқлик цитологияси усулида текшириш йўли билан амалга оширилади. Бунда манфий натижа аниқланганда улар 10 йилдан сўнг қайта текширувдан ўтказилади, мусбат натижа аниқланган аёллар қўшимча текширувга йўналтирилади;

саратонли ҳолатлар аниқланган аёллар амбулатор даволаш учун Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг ҳудудий филиалларига йўналтирилади;

30 — 65 ёшдаги аёллар ҳар 2 йилда бир мартаба тиббиёт ходимлари томонидан бирламчи саралашдан ўтказилади. Бунда кўкрак беги текшируви 45 ёшгача бўлган аёлларда ультратовуш диагностикаси усулида, 45 — 65 ёшдаги аёлларда маммография орқали амалга оширилади;

скрининг натижасида онкологик касалликка чалинганлиги аниқланган беморларни ташхислаш ва даволаш билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

3. 2025 йил 1 январдан бошлаб:

а) туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларига соғлиқни сақлаш тизимида мақбуллаштирилдиган штат бирликлари ҳисобидан қуйидаги штат бирликлари киритилсин:

онконазорат хоналари учун акушер-гинеколог шифокор;

мобиль ва стационар маммографлар ишини 2 та сменада ташкил этиш учун рентген-лаборантлар;

б) Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология ил-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 25 ноябрда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

мий-амалий тиббиёт маркази ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Маммография тасвирини ўқиш маркази ташкил этилсин ҳамда туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларида амалга ошириладиган кўкрак беи саратони бўйича скрининг натижалари ушбу марказнинг ягона ридинг тизимига интеграция қилинсин;

в) Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказида одам папиллома вируси диагностикаси учун қўлландиган тест тизимлари сифатини назорат қилиш бўйича референс-лаборатория фаолияти йўлга қўйилсин.

4. Саратон касаллиги назорати соҳасидаги лойиҳаларнинг амалга оширилишини мувофиқлаштирувчи кенгаш (кейинги ўринларда — Кенгаш) 2-иловага* мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Белгилансинки:

Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт марказлари Кенгашнинг ишчи органи ҳисобланади;

онкологик касалликларни ташхислаш ва даволаш бўйича тиббий жиҳозлар, ускуналар ва сарфлов материаллари хариди мажбурий тартибда Кенгаш билан келишилади ва тақсимланади.

Бунда Кенгаш томонидан тиббий жиҳозлар, ускуналар ва сарфлов материалларини муассасалар кесимида рационал тақсимлаш мақсадида маълумотлар базаси шакллантирилади;

Кенгашга бачадон бўйни ва кўкрак беи саратони скрининг текширувлари билан қамраб олинандиган аёллар ёшини молиялаштириш манбалари асосида мустақил белгилаш ваколати берилади.

5. Қуйидагилар Кенгашнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

бачадон бўйни ва кўкрак беи саратонини назорат қилишга қаратилган лойиҳаларни (кейинги ўринларда — лойиҳалар) мувофиқлаштириш;

лойиҳалар доирасида фақат синовдан ўтган тестлар, фармацевтика маҳсулотлари ҳамда вакциналар, далилларга асосланган диагностика ва даволаш усуллари қўлланишини назорат қилиш;

Дастурга оид харидларни амалга оширишда, маблағлар ва тиббий ускуналарни тақсимлашда, қарор қабул қилишда Кенгаш аъзоларида манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, жамоат саломатлиги этикасига асосланиб қарорлар қабул қилиш;

бачадон бўйни ва кўкрак беи саратони юзасидан скрининг текширувлари амалга ошириладиган аёллар ёшини соғлиқни сақлаш бўйича халқаро ташкилотлар тавсияларига мувофиқ қайта кўриб чиқиш ҳамда аниқ молиялаштириш манбаларидан келиб чиқиб белгилаш;

лойиҳаларнинг натижаси ҳақидаги маълумотлар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилиб борилишини таъминлаш.

6. Кенгаш аёлларнинг бачадон бўйни ва кўкрак беи саратони скрининги билан қамровини кенгайтириш учун халқаро молия институтлари ва хори-

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

жий ҳукумат молия ташкилотларининг маблағларини мунтазам жалб қилиб бориш чораларини кўрсин.

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

а) Дастур Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт маркази томонидан ўзаро мувофиқлаштирилган ҳолда сифатли амалга оширилишини таъминласин;

б) Стратегик ислохотлар агентлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда 2024 йил якунига қадар Дастурни мониторинг қилиш, тиббиёт муассасалари ва тиббиёт ходимлари меҳнати самарадорлигини ҳар олти ойда бир марта баҳолаш ва рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиб, тасдиқласин;

в) 2025 йил 1 январдан бошлаб бачадон бўйни ва кўкрак беи саратони скринингига нодавлат тиббиёт ташкилотларини жалб қилиш чораларини кўрсин ҳамда давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатилган хизматлар харидини Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси орқали амалга ошириш тизимини йўлга қўйсин.

Бунда бачадон бўйни ва кўкрак беи саратони скринингини ўтказишда кўрсатиладиган хизматларнинг харид нархлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси билан келишган ҳолда тасдиқланади;

г) бачадон бўйни ва кўкрак беи саратони скрининг текширувлари натижасида аниқланган беморларни даволаш учун 2025 йилда қўшимча маблағлар талаб этилганда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда ушбу харажатларни молиялаштириш манбаларига аниқлик киритиш бўйича асосланган таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

д) Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги билан биргаликда 2026 йилдан бошлаб бачадон бўйни ва кўкрак беи саратони скрининг текширувларини ўтказиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағларини жалб қилиш чораларини кўрсин;

е) 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб:

Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказида гинеколог мутахассисларни бачадон бўйни ва кўкрак беи саратони скринингига ўқитиш бўйича ўқув курсларини йўлга қўйсин;

клиник ординатура ва магистратуранинг гинекология ва онкология мутахассисликлари, шунингдек, тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ўқув дастурларига бачадон бўйни саратони скрининги ва кўкрак беи саратонини эрта аниқлашга ўқитиш бўйича модулар киритсин;

ж) «Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор — «UZINFOCOM» МЧЖ билан биргаликда 2025 йил 1 майга қадар:

бачадон бўйни саратони скрининги ва кўкрак беи саратонини эрта

аниқлаш сифатини баҳолаш ва мониторинг қилиб бориш тизимини жорий этсин ҳамда скрининг регистри юритилишини йўлга қўйсин;

скрининг дастурига киритилган аёллар билан қайта алоқа қилиш тизимини (мобиль илова ва бошқалар) жорий этсин;

з) 2025 йил 1 майга қадар илғор халқаро тажрибани инобатга олиб, скрининг алгоритмларини назарда тутган ҳолда саратонолди касалликлари, бачадон бўйни саратони скрининги ва кўкрак беши саратонини эрта аниқлаш, ташхислаш ва даволаш бўйича миллий клиник баённомаларни тасдиқласин;

и) Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг ҳудудий филиалларини полимераза занжирли реакция текширувларини ўтказиш учун тиббий ускуналар, туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларининг онконазорат хоналарини зарур тиббий жиҳозлар билан таъминласин.

8. Стратегик ислохотлар агентлиги 2025 — 2030 йиллар давомида бачадон бўйни ва кўкрак беши саратони скрининги мониторингини ва Дастур самарадорлигини баҳолашни амалга оширсин.

9. Бачадон бўйни ва кўкрак беши саратонини эрта аниқлаш ҳамда назоратини амалга ошириш учун зарур тиббий жиҳозлар рўйхати 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

10. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда жойларда «маҳалла еттилик»га аёллар ва уларнинг оила аъзолари орасида онкологик касалликларнинг олдини олиш, уларни эрта аниқлаш, даволаш ҳамда оқибатлари ҳақида тунтуририш ишларини ўтказишни ташкил қилиб борсин.

11. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда:

турли мақсадли гуруҳлар (ўсмирлар, катта ёшли аёллар, эркаклар) учун хавфли ўсма касалликлари ва уларнинг хавф омиллари, профилактикаси, эрта аниқлаш ва даволашнинг муҳимлиги тўғрисида телевидение, радио, интернет ва босма оммавий ахборот воситалари орқали кенг қўламли ахборот кампанияларини ташкил этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда кенг форматли ташқи реклама объектларига махсус баннерларни ўрнатиш ва аҳоли гавжум жойларда роликларни тизимли намойиш қилиш чораларини кўрсин.

12. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ушбу қарорни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун 2025 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда зарур маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

13. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республи-

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

каснинг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ижтимоий ривожланиш департаменти раҳбари О.Қ. Абдурахманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 22 ноябрь,
ПҚ-402-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**410** Таълим соҳасида хусусий сектор иштирокини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолиятини қўллаб-қувватлаш, таълим соҳасида хусусий сектор улушини янада ошириш, ушбу йўналишдаги тадбиркорлик субъектларига қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда ўқитишнинг инновацион педагогик шакллари, услублари ва технологияларини жорий қилиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги «Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3276-сон ҳамда 2018 йил 5 сентябрдаги «Мактабгача ва мактаб таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3931-сон қарорларига мувофиқ 2025 йил 1 январга қадар:

нодавлат мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотлари барча турдаги солиқ (бундан ижтимоий солиқ мустасно) ва йиғимлардан;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича нодавлат мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотларини жиҳозлаш ва фаолиятини таъминлаш учун олиб кириладиган замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дастурий маҳсулотлар, ўқув ва илмий-методик адабиётлар, анжомлар ва моддий-техник ресурслар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан мустасно);

нодавлат мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотларида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган чет эллик ўқитувчи ва мутахассислар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқдан озод қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг мазкур қарорнинг 1-бандида назарда тутилган имтиёзларнинг амал қилиш муддатини 2030 йил 1 январга қадар узайтириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

3. Белгилансинки, 2025 йил 1 январдан бошлаб:

нодавлат таълим ташкилотлари томонидан педагогик фаолиятни доимий асосда амалга ошириш учун жалб этиладиган хорижий мутахассисларга «А-2» ўқитувчилар кириш визаларини бериш йўлга қўйилади;

давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари томонидан хориждан жалб қилинган мутахассисларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқнома беришда ундириладиган йиғим миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан бир бараваригача камайтиради;

нодавлат мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим ташки-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 23 ноябрда эълон қилинган.

лотларининг раҳбар ва педагог ходимлари малакасини оширишни А. Авлоний номидаги педагогик маҳорат миллий институти, педагогик маҳорат марказлари ҳамда белгиланган тартибда шакллантириладиган реестрга киритилган нодавлат малака ошириш ташкилотларида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга ошириш тартиби жорий этилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 26 июлдаги «Тошкент шаҳрида давлат ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва шаҳар инфратузилмасини яхшилаш бўйича ҳуқуқий экспериментни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–236-сон қарорининг 5-банди «г» кичик бандида белгиланган тўловлар (муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва транспорт инфратузилмасини яратиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун тўлов) нодавлат мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотларини қуриш лойиҳаларига татбиқ этилмайди.

4. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Савдо-саноат палатаси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахслар ўртасида тушунтириш ишларини ташкил этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

6. Қўйидагилар:

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахсларга мазкур қарорда назарда тутилган солиқ имтиёзларини тақдим этиш бўйича қонун лойиҳасини;

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда нодавлат таълим ташкилотлари томонидан хориждан жалб қилинган мутахассисларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқнома беришда ундириладиган йиғим миқдорини ўзгартиришни назарда тутувчи қонун лойиҳасини;

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров, камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Б.Э. Захидов ҳамда мактабгача ва мактаб таълими вазири Х.У. Умарова белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолият

тини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 22 ноябрь,
ПҚ-403-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2024 йил 22 ноябрдаги
ПҚ-403-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон
Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 июлдаги «Янги Тошкент шаҳрини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-232-сон қарори 16-банди «б» кичик бандининг биринчи хатбошисидаги «якка тартибдаги уй-жойлар» сўзлари «якка тартибдаги уй-жойлар ҳамда нодавлат мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 26 июлдаги «Тошкент шаҳрида давлат ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва шаҳар инфратузилмасини яхшилаш бўйича ҳуқуқий экспериментни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-236-сон қарори 5-банди «г» кичик бандининг биринчи хатбошисидаги «объектлар ва якка тартибдаги уй-жойлар» сўзлари «объектлар, якка тартибдаги уй-жойлар ҳамда нодавлат мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги «Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартиби тўғрисида»ги 408-сон қарорига 4-илованинг 21-позицияси «Таъриф» устуни иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат ва нодавлат таълим ташкилотларига педагогик фаолиятни амалга ошириш учун жалб қилинадиган хорижий фуқароларга 1 йилгача муддатга берилади. Вазирликлар ва идоралар, шунингдек, ўз тасарруфида таълим ташкилотига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси давлат ташкилотларининг илтимосномаларига кўра расмийлаштирилади».

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 22 февралдаги 86-сон қарори билан тасдиқланган Махсус электрон тизим орқали рухсат этиш хусусиятига

эга айрим хужжатларни бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ягона низомнинг 20-иловасида:

а) 5-позициянинг «е» кичик банди «Е» меҳнат визаси,» сўзларидан кейин «А-2» ўқитувчилар кириш визаси,» сўзлари билан тўлдирилсин;

б) 7-позициянинг биринчи хатбошисидаги «Президент мактаблари ва олий ўқув юртларида» сўзлари «давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида» сўзлари билан алмаштирилсин.

Изоҳ. Мазкур илова 2025 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING
QARORI****411 О‘zbekiston Respublikasi hududida bank kartalarining
chiqarilishi va muomalada bo‘lishi qoidalari to‘g‘risidagi
nizomga qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritish haqida***

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil
18-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3294-1*

O‘zbekiston Respublikasining “O‘zbekiston Respublikasining Markaziy banki to‘g‘risida”gi Qonuni va O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 18-iyuldagi PQ–267-son “Aholini davlat tomonidan ijtimoiy qo‘llab-quvvatlash tartibini tubdan takomillashtirish to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi **qaror qiladi:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2021-yil 10-martdagi 28/21-son qarori (ro‘yxat raqami 3294, 2021-yil 3-aprel) (Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 03.04.2021-y., 10/21/3294/0285-son) bilan tasdiqlangan O‘zbekiston Respublikasi hududida bank kartalarining chiqarilishi va muomalada bo‘lishi qoidalari to‘g‘risidagi nizomga ilovaga muvofiq qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur qaror e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Rais**M. NURMURATOV**

Toshkent sh.,
2024-yil 18-oktabr,
33/6-son

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 22-noyabrda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
Markaziy banki boshqaruvining 2024-yil
18-oktabrdagi 33/6-son qaroriga
ILOVA

**O'zbekiston Respublikasi hududida bank kartalarining
chiqarilishi va muomalada bo'lishi qoidalari to'g'risidagi nizomga
kiritilayotgan qo'shimcha va o'zgartirishlar**

1. 1-bandda:

quyidagi mazmundagi o'ninchi xatboshi bilan to'ldirilsin:

“MCC-kod — terminal ajratilgan mijoz toifasi kodi bo'lib, savdo va xizmat ko'rsatish faoliyat turini 4 xonali raqam bilan tasniflaydi;”;

o'ninchi — o'n sakkizinchi xatboshilar tegishli ravishda o'n birinchi — o'n to'qqizinchi xatboshilar deb hisoblansin.

2. 42-bandda:

quyidagi mazmundagi uchinchi xatboshi bilan to'ldirilsin:

“Banklar to'lov terminallarini texnik jihatdan mijozga biriktirish paytida uning faoliyati turidan kelib chiqib MCC-kodlarini, terminal va to'lov turi, mijozning identifikatsiya ma'lumotlari va to'lov tizimi operatori qoidalarida belgilangan tegishli ma'lumotlarni bank axborot bazasiga kiritishi lozim. Bunda, mijozning faoliyat turi va tegishli ma'lumotlari o'zgargan taqdirda, mijoz uch bank ish kunida xizmat ko'rsatuvchi bankiga tegishli ma'lumotni taqdim etadi va bank tomonidan bir ish kuni mobaynida mijozga biriktirilgan terminal ma'lumotlariga tegishli o'zgartirishlar kiritiladi.”;

uchinchi — yettinchi xatboshilar tegishli ravishda to'rtinchi — sakkizinchi xatboshilar deb hisoblansin.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
PREZIDENTI HUZURIDAGI STATISTIKA
AGENTLIGI DIREKTORINING
BUYRUG‘I

412 Statistika hisoboti shakllarini tasdiqlash to‘g‘risida

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil
18-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3575*

O‘zbekiston Respublikasining “Rasmiy statistika to‘g‘risida”gi Qonuni va O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 4-martdagi PQ–114-son “O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi faoliyatini tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq buyuraman.

1. Statistika hisoboti shakllari 1 — 64-ilovalarga* muvofiq tasdiqlansin.

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi direktorining 2023-yil 9 oktabrdagi 39-mb-son “Statistika hisoboti shakllarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3475, 2023-yil 10-noyabr) (Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 14.11.2023-y., 10/23/3475/0851-son) o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

3. Mazkur buyruq 2025-yil 1-yanvardan e‘tiboran kuchga kiradi.

Direktor

B. BEGALOV

Toshkent sh.,
2024-yil 15-oktabr,
10-mb-son

* Ilovalar «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da e‘lon qilingan.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
EKOLOGIYA, ATROF-MUHITNI MUHOFAZA QILISH VA
IQLIM O‘ZGARISHI VAZIRLIGI
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
HUZURIDAGI O‘ZBEKISTON TEXNIK JIHATDAN TARTIBGA
SOLISH AGENTLIGINING
QARORI

413 Ishlab chiqaruvchilar va import qiluvchilar tomonidan qayta ishlanishi to‘g‘risidagi ma‘lumot ko‘rsatilishi majburiy bo‘lgan tovarlarning ro‘yxati va ularning belgilarini tasdiqlash haqida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil
19-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3576*

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 4-yanvardagi PF-5-son “Chiqindilarni boshqarish tizimini takomillashtirish va ularning ekologik vaziyatga salbiy ta‘sirini kamaytirish bo‘yicha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi Farmoniga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o‘zgarishi vazirligi hamda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi O‘zbekiston texnik jihatdan tartibga solish agentligi **qaror qiladi:**

1. Ishlab chiqaruvchilar va import qiluvchilar tomonidan qayta ishlanishi to‘g‘risidagi ma‘lumot ko‘rsatilishi majburiy bo‘lgan tovarlarning ro‘yxati va ularning belgilari ilovaga** muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur qaror O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo‘yicha vakil, Iqtisodiyot va moliya vazirligi, Raqobatni rivojlantirish va iste‘molchilar huquqlarini himoya qilish qo‘mitasi hamda Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur qaror rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran o‘n sakkiz oydan keyin kuchga kiradi.

**Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza
qilish va iqlim o‘zgarishi vaziri**

A. ABDUXAKIMOV

Toshkent sh.,
2024-yil 18-oktabr,
14-mh-son

**O‘zbekiston texnik jihatdan tartibga
solish agentligi direktori**

A. JUMANAZAROV

Toshkent sh.,
2024-yil 18-oktabr,
55-son

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 21-noyabrda e‘lon qilingan.

** Ilova «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da e‘lon qilingan.

Kelishildi:

*Tadbirkorlik subyektlarining
huquqlari va qonuniy manfaatlarini
himoya qilish bo'yicha vakil*

D. KASIMOV

2024-yil 11-oktabr

Iqtisodiyot va moliya vaziri

D. KUCHKAROV

2024-yil 19-sentabr

*Raqobatni rivojlantirish va
iste'molchilar huquqlarini himoya
qilish qo'mitasi raisi*

H. TURAXUJAYEV

2024-yil 5-oktabr

*O'zbekiston Savdo-sanoat
palatasi raisi*

D. VAXABOV

2024-yil 7-oktabr

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
HUZURIDAGI SOLIQ QO‘MITASI
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING
QARORI

414 **Ish beruvchilar tomonidan fuqarolarning shaxsiy jamg‘arib boriladigan pensiya hisobvaraqlariga majburiy jamg‘arib boriladigan pensiya badallarini hisoblash va to‘lash tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida***

O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 20-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3577

O‘zbekiston Respublikasining “Fuqarolarning jamg‘arib boriladigan pensiya ta‘minoti to‘g‘risida”gi Qonuni va O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2004-yil 21-dekabrda 595-son “Fuqarolarning jamg‘arib boriladigan pensiya ta‘minoti to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Qonunini amalga oshirish chora-tadbirlari haqida”gi qaroriga muvofiq, O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi, Soliq qo‘mitasi va Markaziy banki Boshqaruvi **qaror qiladi:**

1. Ish beruvchilar tomonidan fuqarolarning shaxsiy jamg‘arib boriladigan pensiya hisobvaraqlariga majburiy jamg‘arib boriladigan pensiya badallarini hisoblash va to‘lash tartibi to‘g‘risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Quyidagilar o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin:

O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi, Davlat soliq qo‘mitasi va Markaziy banki boshqaruvining 2005-yil 29-avgustda 76, 2005-47, 267-V-son “Ish beruvchilar tomonidan fuqarolarning shaxsiy jamg‘arib boriladigan pensiya hisobvaraqlariga majburiy badallarni qo‘shish va to‘lash tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori (ro‘yxat raqami 1515, 2005-yil 6-oktabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2005-y., 40-son, 313-modda);

O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi, Davlat soliq qo‘mitasi va Markaziy banki boshqaruvining 2019-yil 17-yanvarda 6, 2019-02, 267-V-1-son “Ish beruvchilar tomonidan fuqarolarning shaxsiy jamg‘arib boriladigan pensiya hisobvaraqlariga majburiy badallarni qo‘shish va to‘lash tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori (ro‘yxat raqami 1515-1, 2019-yil 21-yanvar) (Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 22.01.2019-y., 10/19/1515-1/2513-son).

3. Mazkur qaror aksiyadorlik tijorat Xalq banki bilan kelishilgan.

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 23-noyabrda e‘lon qilingan.

4. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Iqtisodiyot va moliya vaziri**D. KUCHKAROV**

Toshkent sh.,
2024-yil 17-oktabr,
184-son

Soliq qo'mitasi raisi**Sh. KUDBIYEV**

Toshkent sh.,
2024-yil 10-oktabr,
2024-21-son

Markaziy bank raisi**M. NURMURATOV**

Toshkent sh.,
2024-yil 8-oktabr,
364-V-son

Kelishildi:

*Aksiyadorlik tijorat Xalq banki
boshqaruw raisi*

S. ATABAYEV

2024-yil 2-oktabr

O'zbekiston Respublikasi
Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2024-yil
17-oktabrdagi 184-son, Vazirlar Mahkamasi
huzuridagi Soliq qo'mitasining 2024-yil
10-oktabrdagi 2024-21-son, Markaziy banki
boshqaruvining 2024-yil 8-oktabrdagi
364-B-son qaroriga
ILOVA

**Ish beruvchilar tomonidan fuqarolarning shaxsiy jamg'arib
boriladigan pensiya hisobvaraqlariga majburiy jamg'arib
boriladigan pensiya badallarini hisoblash va to'lash
tartibi to'g'risidagi
NIZOM**

Mazkur Nizom ish beruvchilar tomonidan fuqarolarning shaxsiy jamg'arib boriladigan pensiya hisobvaraqlariga (bundan buyon matnda SHJBPH deb yuritiladi) majburiy jamg'arib boriladigan pensiya badallarini hisoblash va to'lash tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Mehnat faoliyatini mehnat shartnomalari bo'yicha amalga oshirayotgan fuqarolar (ular jumlasiga ishlovchi pensionerlar, o'rindoshlar ham kiradi), shuningdek fuqarolik-huquqiy shartnomalar bo'yicha ishlarni bajaradigan fuqarolar, agar ushbu xodimlarning mehnatga haq to'lash tarzidagi daromadlaridan qonunchilikka muvofiq jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig'i ushlansa, jamg'arib boriladigan pensiya to'lovlarini oluvchilar sifatida jamg'arib boriladigan pensiya tizimining majburiy ishtirokchilari hisoblanadilar.

Qonunchilikka muvofiq jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig'ini to'lashdan to'liq ozod etilgan boshqa fuqarolar, shuningdek, yakka tartibdagi tadbirkorlar, yuridik shaxsni tashkil etmagan dehqon xo'jaliklarining a'zolari jamg'arib boriladigan pensiya tizimida ixtiyoriy asosda ishtirok etadilar.

2. O'zbekiston Respublikasi hududida doimiy yashovchi chet el fuqarolari va fuqaroligi bo'lmagan shaxslar, agar O'zbekiston Respublikasining amaldagi qonunlari va xalqaro shartnomalarida boshqacha qoida nazarda tutilmagan bo'lsa, O'zbekiston Respublikasi fuqarolari bilan teng ravishda jamg'arib boriladigan pensiya ta'minotiga bo'lgan huquqdan foydalanadilar.

3. Fuqarolarning SHJBPHga majburiy jamg'arib boriladigan pensiya badallari xodimning soliq solinadigan mehnatga haq to'lash tarzidagi daromadlaridan qonunchilik hujjatlarida belgilangan miqdorda hisoblanadi, ushbu summa jismoniy shaxslarning daromadiga qonunchilikka muvofiq hisoblangan soliq summasidan tegishincha chegiriladi.

4. Ish beruvchi yuridik shaxslar o'z xodimlarining SHJBPHga, mazkur yuridik shaxs xodim uchun asosiy ish joyi hisoblanishi yoki u o'rindoshlik asosida ishlashi yoxud fuqarolik-huquqiy shartnoma bo'yicha ishlarni bajarishidan qat'i nazar, majburiy jamg'arib boriladigan pensiya badallarini kiritishga majburdir.

Jamg'arib boriladigan pensiya tizimida shaxsiy hisobda turgan (SHJBPH va jamg'arib boriladigan pensiya daftarchasiga ega bo'lgan) fuqarolar ish beruvchi bilan mehnat shartnomasini tuzish chog'ida (bunga o'rindoshlik yoki fuqarolik-huquqiy shartnomasi shartlarida tuzishlar ham kiradi) ish beruvchiga o'z SHJBPHlari to'g'risida ma'lumotlarni taqdim etadilar.

5. Daromadlari qonunchilikka muvofiq har bir oy uchun mehnatga haq to'lashning eng kam miqdorining 1,41 baravari miqdorida jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig'iga tortilmaydigan fuqarolar jamg'arib boriladigan pensiya tizimida umumiy asoslarda ishtirok etadilar, ya'ni ish beruvchi, xodimning ish haqi bo'yicha soliq solinadigan qismidan qonunchilik hujjatlarida belgilangan miqdordagi jamg'arib boriladigan pensiya badalini SHJBPHga o'tkazadi.

2-bob. Ushlangan majburiy jamg'arib boriladigan pensiya badallarini shaxsiy jamg'arib boriladigan pensiya hisobvaraqlariga o'tkazish

6. Ish beruvchilar fuqarolarning jamg'arib boriladigan pensiya hisobvaraqlariga majburiy jamg'arib boriladigan pensiya badallarini budjetga jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig'ini to'lash bilan birgalikda jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig'ini to'lash uchun belgilangan muddatlarda ajratadilar. Bunda majburiy jamg'arib boriladigan pensiya badallarini o'tkazish to'lov topshiriqnomasi vositasida amalga oshiriladi va unda omonatchining rekvizitlari, o'tkazish maqsadi, o'tkazilayotgan jamg'arib boriladigan pensiya badallarining summasi, ish beruvchi soliq to'lovchi sifatida hisobga qo'yilgan joydagi aksiyadorlik tijorat "Xalq banki" (bundan buyon matnda Xalq banki deb yuritiladi) filialiga yuboriladigan reyestrning raqami va sanasi ko'rsatiladi.

Belgilangan tartibda natural ko'rinishda to'laydigan yoki mahsulot sotilishi, ishlar bajarilishi yoki xizmatlar ko'rsatilishidan olingan tushumdan to'lovni amalga oshiradigan ish beruvchi to'lov amalga oshirilgan oy tugaganidan keyin besh kun mobaynida jamg'arib boriladigan pensiya badallari summasini o'tkazishi shart.

7. Ish beruvchi, majburiy jamg'arib boriladigan pensiya badallarini fuqarolarning SHJBPHga kiritishni Xalq banki filialidagi maxsus tranzit hisobvaraqa o'tkazish yo'li bilan amalga oshiradi.

3-bob. Shaxsiy jamg'arib boriladigan pensiya hisobvaraqlariga kiritilgan majburiy jamg'arib boriladigan pensiya badallari bo'yicha hisob-kitob va hisobot

8. Ish beruvchi jamg'arib boriladigan pensiya badallarining omonatchisi joylashgan joydagi Xalq banki filiali bilan, agar xodimlari 25 nafardan ortiq bo'lgan alohida bo'linmalari va (yoki) filiallari mavjud bo'lsa, ushbu bo'linmalar va (yoki) filiallar joylashgan joydagi Xalq banki filiallari bilan SHJBPHga majburiy jamg'arib boriladigan pensiya badallari bo'yicha hisob-kitoblar hisobini yuritadi.

9. Ish beruvchi har oyda hisobot oyidan keyingi oynning 15-kuniga qadar jamg'arib boriladigan pensiya badallari o'tkazilgan har bir to'lov hujjati summasiga alohida, belgilangan tartibda SHJBPH raqamlari, har bir xodimning familiyasi,

hisoblangan ish haqi va jamg'arib boriladigan pensiya badallari summasi ko'rsatilgan holda xodimlar reyestrlarini (bundan buyon matnda reyestr deb yuritiladi) jamg'arib boriladigan pensiya tizimi (bundan buyon matnda JBPT deb yuritiladi) yagona ma'lumotlar elektron bazasi formatida elektron hujjat sifatida shakllantirib, ish beruvchi soliq to'lovchi sifatida hisobga qo'yilgan joydagi Xalq banki filialiga elektron manbalarda taqdim etishi yoki uni Yagona interaktiv davlat xizmatlari portalidagi (bundan buyon matnda YIDXP deb yuritiladi) shaxsiy "tadbirkorlik subyekti kabineti" yoxud internet jahon axborot tarmog'i orqali bevosita JBPT yagona ma'lumotlar elektron bazasiga yuborishi shart.

Reyestri JBPT yagona ma'lumotlar elektron bazasiga kiritish jarayonida xatolar va tafovutlar aniqlangan taqdirda ushbu reyestr qabul qilinmaydi va avtomatik tarzda xatolarni tuzatish yoki tafovutlarni bartaraf etish uchun ish beruvchiga qaytariladi.

Ish beruvchi qaytarilgan reyestrdagi xatolarni yoki tafovutlarni bartaraf etadi hamda uch kun muddatda ish beruvchi soliq to'lovchi sifatida hisobga qo'yilgan joydagi Xalq banki filialiga elektron manbalarda takroran taqdim etadi yoki YIDXPdagi shaxsiy "tadbirkorlik subyekti kabineti" yoxud internet jahon axborot tarmog'i orqali yuboradi. Agar hisobot oyidan keyingi oyingning 25-kunigacha ish beruvchi reyestrga tuzatish kiritish choralarini ko'rmasa, Xalq banki filiali bu haqda davlat soliq xizmatining tegishli hududiy organini xabardor qiladi.

10. Xo'jalik yurituvchi subyektlar va budget tashkilotlari SHJBPH bo'yicha buxgalteriya yozuvlarini buxgalteriya hisobi to'g'risidagi qonunchilik hujjatlariga muvofiq aks ettiradi.

4-bob. Xalq banki filiali tomonidan davlat soliq xizmati organlariga axborot taqdim etilishi

11. Xalq banki har kuni O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Soliq qo'mitasiga elektron ma'lumot almashish kanallari orqali har bir filial kesimida tranzit hisobvaraqa kelib tushgan summalar to'g'risidagi ko'chirmani elektron shaklda taqdim etib, unda yuridik shaxsning STIRi, nomi va SHJBPHga kiritilgan badallar summasini ko'rsatadi.

12. Xalq banki har oyda markazlashgan holda hisobot oyidan keyingi oyingning 26-kuniga qadar O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Soliq qo'mitasiga mazkur Nizomning ilovasiga* muvofiq shaklda fuqarolarning SHJBPHga badallar kiritgan yuridik shaxslar to'g'risida ma'lumotlarni filiallar kesimida taqdim etadi. Bunda, ma'lumotlar elektron shakllarda o'zaro elektron ma'lumot almashish kanallari orqali taqdim etiladi.

5-bob. Yakuniy qoidalar

13. Ish beruvchi tomonidan SHJBPHga majburiy jamg'arib boriladigan pensiya badallarining to'g'ri va to'liq hisoblanishi hamda o'z vaqtida kiritilishi ustidan nazoratni davlat soliq xizmati organlari amalga oshiradi.

* Ilova «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da e'lon qilingan.

14. Ish beruvchi amaldagi qonunchilikka muvofiq Xalq banki filialiga taqdim etiladigan, SHJBPHga hisobga qo'yish uchun zarur ma'lumotlarning, shuningdek fuqarolarning shaxsiy ma'lumotlari bilan bog'liq barcha o'zgarishlar (mehnat shartnomasini tuzish yoki bekor qilish, pasport ma'lumotlarini va shaxsiy jamg'arib boriladigan pensiya hisobvaraqlarini yuritish uchun zarur boshqa ma'lumotlar) to'g'risidagi ma'lumotlarning to'g'riligi va SHJBPHga badallarni o'z vaqtida kiritilishi hamda ularning talablariga ko'ra fuqarolarga hisoblangan va kiritilgan jamg'arib boriladigan pensiya badallari to'g'risidagi ma'lumotlarning taqdim etilishi uchun javobgardir.

15. Xalq banki amaldagi qonunchilikka muvofiq fuqarolarning SHJBPHlarini ochish va yuritish, fuqarolarni ushbu hisobvaraqlarning holati to'g'risida xabardor qilish, jamg'arib boriladigan pensiya to'lovlarini tayinlash va berish tartibini buzganlik, shuningdek mazkur Nizomning 12 va 13-bandlarida nazarda tutilgan ma'lumotlarni o'z vaqtida va to'g'ri taqdim etish uchun javobgar bo'ladi.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING
BUYRUG'I

415 O'zbekiston Respublikasi budget hisobining standarti
(17-sonli BHS) "Xodimlarning daromadlari"ni tasdiqlash
to'g'risida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil
21-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3578*

O'zbekiston Respublikasining Budget kodeksi, O'zbekiston Respublikasining "Buxgalteriya hisobi to'g'risida"gi Qonuniga muvofiq va budget hisobini davlat sektorida xalqaro moliyaviy hisobot standartlariga muvofiqlashtirish maqsadida **buyuraman:**

- O'zbekiston Respublikasi budget hisobining standarti (17-sonli BHS) "Xodimlarning daromadlari" ilovaga muvofiq tasdiqlansin.
- Mazkur buyruq 2025-yil 1-yanvardan e'tiboran kuchga kiradi.

Vazir

D. KUCHKAROV

Toshkent sh.,
2024-yil 14-oktabr,
182-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 22-noyabrda e'lon qilingan.

O‘zbekiston Respublikasi
iqtisodiyot va moliya vazirining 2024-yil
14-oktabrdagi 182-son buyrug‘iga
ILOVA

O‘zbekiston Respublikasi budget hisobining standarti (17-sonli BHS) “Xodimlarning daromadlari”

Mazkur O‘zbekiston Respublikasi budget hisobining standarti (17-sonli BHS) “Xodimlarning daromadlari” (bundan buyon matnda Standart deb yuritiladi) budget tashkilotlari, davlat maqsadli jamg‘armalari, boshqa budgetdan tashqari jamg‘armalar hamda budget mablag‘lari oluvchilar (bundan buyon matnda tashkilotlar deb yuritiladi) tomonidan xodimlarga beriladigan daromadlar hisobini yuritish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Mazkur Standartda quyidagi asosiy tushunchalar qo‘llaniladi:

xodimlarning daromadlari — xodimlar tomonidan amalga oshirilgan mehnat faoliyati evaziga yoki ishdan bo‘shatilganligi uchun tashkilot tomonidan beriladigan to‘lovlarning barcha turlari;

xodimlarning qisqa muddatli daromadlari — xodimlar tegishli mehnat faoliyatini ko‘rsatgan yillik hisobot davri oxiridan keyingi o‘n ikki oy oldin to‘liq hisob-kitob qilinishi kutilayotgan xodimlarning daromadlari (ishdan bo‘shatish nafaqalaridan tashqari);

mehnat faoliyatidan keyingi daromadlar — mehnat faoliyati yakunlangandan so‘ng xodimlarga to‘lanadigan daromadlar (ishdan bo‘shatish nafaqalari va xodimlarning qisqa muddatli daromadlaridan tashqari);

xodimlarning boshqa uzoq muddatli daromadlari — xodimlarning qisqa muddatli daromadlari, mehnat faoliyatidan keyingi daromadlari va ishdan bo‘shatish nafaqalaridan tashqari xodimlarning barcha daromadlari;

ishdan bo‘shatish nafaqasi — xodim bilan mehnat shartnomasi alohida asoslarga ko‘ra bekor qilinganda xodimning ishdan mahrum bo‘lishi oqibatlarini yumshatish maqsadida amalga oshiriladigan, qonunchilikda, mehnat haqidagi boshqa huquqiy hujjatlarda, mehnat shartnomasida nazarda tutilgan biryo‘la beriladigan pulli to‘lovdir;

mehnat faoliyatidan keyingi daromadlar dasturlari — tashkilotning bir yoki bir nechta xodimlariga mehnat faoliyatidan keyingi daromadlar bilan ta‘minlaydigan kelishuvlari;

belgilangan badallar bo‘yicha pensiya dasturlari — tashkilot alohida jamg‘armaga qat‘iy belgilangan badallarni to‘laydigan va agar ushbu jamg‘arma xodimlarning tegishli barcha nafaqalarini to‘lash uchun yetarli mablag‘ga ega bo‘lmasa ham, tashkilot qo‘shimcha badallarni to‘lash bo‘yicha yuridik yoki konstruktiv javobgarlikka ega bo‘lmaydigan xodimlarning mehnat faoliyatidan keyingi daromadlar dasturlari.

2. Mazkur Standartning maqsadi xodimlar daromadlarining hisobini yuritish va ular bo'yicha ma'lumotlarni yoritib berish tartibini belgilashdan iborat.

3. Mazkur Standart xodimlarning mazkur Standartning 5-bandida ko'rsatilgan xodimlarning daromadlarini hisoblashda tashkilot tomonidan foydalaniladi.

4. Mazkur Standartda qo'llaniladigan xodimlarning daromadlari quyidagilar asosida tatbiq etiladi:

tashkilot va alohida xodim, xodimlar guruhlari yoki ularning vakillari o'rtasida tuzilgan shartnomalar (mehnat shartnomasi, fuqaroviy-huquqiy shartnoma) yoki boshqa kelishuvlar;

tashkilotdan davlat, soha yoki boshqa bir nechta ish beruvchilarning umumiy dasturlariga to'lovlarni amalga oshirishi talab etiladigan qonunchilik talablari yoki soha kelishuvlari;

konstruktiv javobgarliklarni yuzaga keltiruvchi norasmiy amaliyotlar.

Norasmiy amaliyotlar tashkilotning xodimlarga daromad to'lovlarini amalga oshirishdan boshqa muqobil chorasi bo'lmagan konstruktiv javobgarliklarni yuzaga chiqaradi. Masalan, tashkilot tomonidan qonuniy majburiyati bo'lmasa ham, xodimlarga mukofotlar to'lab kelingan. Bunda, tashkilotda amaliyotdan kelib chiqqan holda mukofotni to'lash majburiyati yuzaga keladi va unda mukofotni to'lashdan boshqa muqobil chora bo'lmaydi, aks holda xodimlar mehnat shartnomalarini bekor qilishlari mumkin.

5. Xodimlarning daromadlari quyidagilarni qamrab oladi:

- a) xodimlarning qisqa muddatli daromadlari;
- b) mehnat faoliyatidan keyingi daromadlar;
- v) xodimlarning boshqa uzoq muddatli daromadlari;
- g) ishdan bo'shatish nafaqalari.

6. Xodimlarning daromadlari xodimlarga, ularning ishonchli vakillariga, turmush o'rtoqlariga, farzandlariga yoki boshqa qaramog'idagilariga yoxud boshqalarga (masalan, sug'urta kompaniyalariga) to'lanadigan to'lovlar yoki shartli tovarlar va xizmatlar bilan ta'minlash orqali hisob-kitob qilinishi mumkin bo'lgan daromadlarni o'z ichiga oladi.

7. Mazkur Standartda xodim deganda tashkilotda to'liq, to'liq bo'lmagan, doimiy yoki vaqtinchalik asoslarda ishlovchi shaxslar tushuniladi.

2-bob. Xodimlarning qisqa muddatli daromadlari

8. Xodimlar tomonidan mehnat faoliyati amalga oshirilgan hisobot davri tugaganidan keyingi o'n ikki oy mobaynida to'lanishi kerak bo'lgan xodimlarning qisqa muddatli daromadlari quyidagilarni o'z ichiga oladi:

ish haqlari va unga tenglashtirilgan, shuningdek ustama va qo'shimcha to'lovlar (masalan, kuzatuv kengashi a'zolariga mukofotlar va boshqa to'lovlar);

mehnat ta'tili uchun to'lovlar va vaqtinchalik mehnatga layoqatsizlik bo'yicha nafaqalar;

yil yakuni bo'yicha mukofot to'lovlari;

xodimlar uchun pul ko'rinishida bo'lmagan daromadlar (tibbiy yordam, turar joy, xizmat mashinalari va bepul yoki imtiyozli qarz asosidagi tovarlar va xizmatlar).

9. Xodimlarning daromadlarini to'lash muddati o'n ikki oydan uzoqroq muddatga o'zgarsa va bu o'zgarish vaqtinchalik bo'lmasa, ushbu to'lovlar xodimlarning qisqa muddatli daromadlari hisoblanmaydi.

10. Tashkilot xodim mehnat faoliyati amalga oshirgan hisobot davri tugaganidan keyingi o'n ikki oy mobaynida to'lanishi kerak bo'lgan xodimlarning qisqa muddatli daromadlarining diskontlanmagan summasini quyidagi hollarda tan olishi lozim:

majburiyat sifatida oldin to'langan har qanday summani chegirgandan so'ng. Agar oldin to'langan summa xodim daromadlarining diskontlanmagan summasidan oshsa, tashkilot ushbu oshgan qismni aktiv (oldindan to'langan xarajat) sifatida tan olishi lozim;

boshqa budget hisobining standarti xarajat sifatida xodimlarning daromadlarini aktivning qiymatiga kiritishni talab etmasa yoki kiritishga ruxsat bermasa.

11. Tashkilot tomonidan xodimlarga turli sabablarga ko'ra (jumladan, mehnat ta'tillari, qisqa muddatdagi vaqtincha mehnatga layoqatsizlik nafaqasi, homiladorlik va tug'ish ta'tili, safarbarlik chaqiruvi rezervida xizmatni o'tash davri) ishlanmagan vaqt uchun haq to'lanadi.

Ishlanmagan vaqt uchun to'lanadigan haqlar jamg'ariladigan va jamg'arilmaydigan toifalarga bo'linadi.

12. Jamg'ariladigan pullik ta'tillar keyingi davrlarga o'tkaziladi va joriy davrda ularga bo'lgan huquqdan to'liq foydalanilmasa, kelgusida ulardan foydalanish mumkin. Xodimlar mehnat faoliyatini amalga oshirish jarayonida ularning kelgusidagi pullik ta'tillarga bo'lgan rasmiy huquqini oshiruvchi majburiyat paydo bo'ladi.

13. Tashkilot ishlanmagan vaqt uchun jamg'ariladigan haq bo'yicha kutilayotgan sarfni hisobot davri oxirida jamg'arilgan foydalanilmagan huquq natijasida to'lashi kutilayotgan qo'shimcha summa sifatida baholashi lozim.

14. Ishlanmagan vaqt uchun jamg'arilmaydigan haq kelgusi davrga o'tkazilmaydi va xodimlarga tashkilotdan ishdan bo'shayotganda foydalanilmagan huquq uchun haq olish huquqini bermaydi.

15. Tashkilot foydani taqsimlash va mukofot to'lovlari bo'yicha kutilayotgan xarajatni quyidagi hollarda tan olishi lozim:

tashkilot oldingi hodisalar natijasida bunday to'lovlarni amalga oshirish bo'yicha yuridik yoki konstruktiv javobgarlikka ega bo'lsa;

javobgarlik ishonchli baholanishi mumkin bo'lsa.

16. Tashkilotda mukofotlar amaliyotda to'lab kelinayotgan bo'lishi mumkin. Bunda, tashkilot mukofotni to'lashdan boshqa muqobil choraga ega bo'lmasligi sababli konstruktiv javobgarlikka ega bo'ladi. Konstruktiv javobgarliklarni baholash ba'zi xodimlarning mukofot olmasdan mehnat shartnomasini bekor qilish mumkinligi ehtimolini aks ettiradi.

17. Tashkilot foydani taqsimlash yoki mukofot dasturiga asosan o'zining yuridik yoki konstruktiv javobgarligini quyidagi hollarda ishonchli baholashi mumkin:

foydani taqsimlash yoki mukofot dasturining shartlari xodimlarning daromadlari summasini aniqlash bo'yicha jarayonni o'z ichiga olsa;

tashkilot to'lanadigan summalarni moliyaviy hisobot e'lon qilish uchun ma'qullanishidan oldin aniqlasa;

avvalgi amaliyot tashkilotning konstruktiv javobgarligi summasi bo'yicha aniq dalilni ta'minlasi.

18. Foydani taqsimlash va bonus rejalari bo'yicha majburiyat, tashkilot egalari bilan bitimdan emas, xodimlarning faoliyatlaridan kelib chiqadi. Shuning uchun tashkilot foydani taqsimlash va bonus rejalarning xarajatlarini foyda taqsimoti sifatida emas, balki xarajat sifatida tan oladi.

19. Agar xodimlarga tegishli xizmatlar ko'rsatgan hisobot davri tugaganidan keyin 12 oy ichida foydani taqsimlash va mukofot to'lovlari to'lanishi kutilmasa, bu to'lovlar xodimlarning boshqa uzoq muddatli daromadlari hisoblanadi.

3-bob. Mehnat faoliyatidan keyingi daromadlar

20. Mehnat faoliyatidan keyingi daromadlar quyidagilarni o'z ichiga oladi: pensiya to'lovlari (masalan, pensiyalar va pensiyaga chiqishda beriladigan bir martalik to'lovlar);

mehnat faoliyatidan keyingi boshqa daromadlar (masalan, hayot sug'urtasi, tibbiy xizmat va boshqalar).

21. Mehnat faoliyatidan keyingi daromadlar dasturlari ularning iqtisodiy mohiyatiga bog'liq holda belgilangan badallar bo'yicha pensiya dasturlari sifatida tasniflanadi.

22. Belgilangan badallar bo'yicha pensiya dasturlarida tashkilotning yuridik yoki konstruktiv javobgarligi u jamg'armaga kiritadigan badallar summasi miqdorida bo'ladi. Xodimlar oladigan mehnat faoliyatidan keyingi pensiya qiymati tashkilot tomonidan mehnat faoliyatidan keyingi daromadlar dasturiga yoki sug'urta kompaniyasiga to'lanadigan badallar summasi hamda badallar natijasida yuzaga keladigan investitsiya daromadlari orqali aniqlanadi.

23. Davlat pensiya dasturlari qonunchilik hujjatlariga muvofiq tashkillashtirilib, davlat organlari tomonidan boshqariladi.

Bunda, ushbu Standart O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi budjetdan tashqari Pensiya jamg'armasi mablag'lari hisobidan to'lanadigan pensiya va nafaqalarga tatbiq etilmaydi.

24. Belgilangan badallar bo'yicha pensiya dasturlarini hisobga olish oddiy hisoblanadi, chunki tashkilotning har bir davr uchun majburiyati ushbu davr uchun to'lanadigan summa bilan aniqlanadi.

Bunda, majburiyatni yoki xarajatni baholashda hech qanday aktuar farazlar talab etilmaydi va hech qanday aktuar foyda yoki zarar yuzaga kelishi ehtimoli mavjud bo'lmaydi.

25. Xodim tashkilotda ma'lum bir muddat davomida faoliyat ko'rsatgan bo'lsa, tashkilot ushbu xizmat evaziga belgilangan badallar bo'yicha pensiya dasturiga to'lanishi lozim bo'lgan badalni quyidagicha tan olishi lozim:

tashkilot tomonidan xodimga ko'rsatilgan xizmatlar uchun majburiyatga teng miqdordagi majburiyat sifatida. Agar avval to'langan to'lov hisobot davrining oxiriga qadar ko'rsatilgan xizmat qiymatidan ortiq bo'lsa, tashkilot bu farqni aktiv (oldindan to'lov xarajatlari) deb tan olishi kerak;

boshqa budget hisobining standarti xarajat sifatida xodimlarning daromadlarini aktivning qiymatiga kiritishni talab etmasa yoki kiritishga ruxsat bermasa.

26. Belgilangan badallar bo'yicha pensiya dasturiga badallarning to'liq hisob-kitob qilinishi xodimlar tegishli xizmatlarni ko'rsatadigan yillik hisobot davri oxiridan so'ng o'n ikki oydan oldin kutilmaganda amalga oshiriladi.

4-bob. Xodimlarning uzoq muddatli daromadlari

27. Xodimlarning boshqa uzoq muddatli daromadlari, agar ularning to'liq hisob-kitob qilinishi xodimlar tegishli xizmatlarni ko'rsatadigan yillik hisobot davri oxiridan so'ng o'n ikki oydan oldin kutilmasa, quyidagilarni o'z ichiga oladi:

uzoq muddat ishlaganligi uchun haq to'lanadigan ta'tillar (masalan, ko'p yil ishlaganlik uchun ta'til yoki ijodiy ta'til to'lovlari);

yubileyga mukofotlar yoki boshqa uzoq muddatli xizmat haqlari;

mehnat layoqatini vaqtincha yo'qotgan xodimlarga qo'shimcha uzoq muddatli haq to'lash;

foydani taqsimlash va mukofotlar;

xodimlarning kechiktirilgan daromadlari;

ishdan bo'shatilgan shaxs yangi ishga kirgunga qadar tashkilot tomonidan to'lanadigan badal.

28. Uzoq muddatli mehnatga layoqatsizlik nafaqa to'lovining miqdori xizmat muddatiga bog'liq bo'lsa, xizmatni ko'rsatishda majburiyat paydo bo'ladi.

Ushbu majburiyatni baholash to'lovning talab qilinishi ehtimoli va to'lov kutilayotgan vaqtni aks ettiradi. Nafaqa miqdori mehnat stajidan qat'i nazar har qanday xodim uchun bir xil bo'lsa, mehnatga layoqatsizlik holati sodir bo'lganda kelgusida xodimga amalga oshiriladigan to'lovlar bo'yicha kutilayotgan xarajatlar tan olinadi.

5-bob. Ishdan bo'shatish nafaqalari

29. Mazkur Standartda xodimlarning ishdan bo'shatish nafaqalari xodimlarning boshqa daromadlaridan alohida tarzda inobatga oladi, chunki majburiyatni yuzaga keltiradigan hodisa bo'lib, xodim tomonidan xizmat ko'rsatilishi emas, balki bandlikning to'xtatilishi hisoblanadi.

30. Ishdan bo'shatish nafaqalari tashkilotning taklifisiz xodim talabiga asosan bandlikni to'xtatishdan yoki majburiy pensiyaga chiqish talablaridan yuzaga keladigan xodimlarning daromadlarini o'z ichiga olmaydi, chunki ushbu haqlar mehnat faoliyatidan keyingi daromadlardir.

31. Ishdan bo'shatish nafaqasi odatda bir martalik to'lov hisoblanadi, ammo ba'zida quyidagilarni ham o'z ichiga oladi:

bevosita yoki daromad dasturi orqali bilvosita mehnat faoliyatidan keyingi daromadning ko'payishi (masalan, sanatoriylarga yo'llanma, bo'shab ketgandan keyin ham to'lanadigan to'lovlar);

belgilangan ogohlantirish davrining oxiriga qadar bo'lgan ish haqi, agar xodim tashkilotga iqtisodiy naflarni ta'minlaydigan boshqa xizmatni ko'rsatmasa.

32. Xodimlarning daromadlari, agar ular kelgusida ko'rsatiladigan xizmatlar

uchun emas, balki tashkilotning xodimni ishdan bo'shatish qarori bilan bog'liq bo'lsa, ishdan bo'shatish nafaqasi hisoblanadi.

33. Ba'zi daromadlar xodimning ishdan bo'shishi sababidan qat'i nazar, ta'minlanadi. Bunday daromadlarning to'lovi aniq bo'ladi, ammo ular to'lovining muddati noaniq bo'ladi. Bunday daromadlar ishdan bo'shatish nafaqalari emas, balki mehnat faoliyatidan keyingi daromadlardir va tashkilot ularni mehnat faoliyatidan keyingi daromadlar sifatida hisobga oladi.

34. Tashkilot ishdan bo'shatish nafaqalari bo'yicha majburiyat va xarajatni quyidagilarning qaysi biri birinchi yuz bersa, o'sha vaqtda tan olishi lozim:

tashkilot ishdan bo'shatish nafaqalarini bundan buyon rad qila olmasa;

tashkilot ishdan bo'shatish nafaqalarining to'lovini o'z ichiga olgan reyestrukturizatsiya sarflarini tan olsa.

35. Tashkilot o'z tashabbusi bilan xodim bilan tuzilgan mehnat shartnomasini bekor qilish natijasida to'lanadigan ishdan bo'shatish nafaqalarini, agar tashkilot tegishli xodimlarni quyidagi holatlarda belgilangan tartibda mehnat shartnomalarini bekor qilish dasturi to'g'risida xabardor qilganda, bekor qila olmaydi:

mehnat shartnomalarini bekor qilish dasturini ahamiyatli o'zgarishlar amalga oshirilmaligi ehtimoli mavjud bo'lganda;

mehnat shartnomalarini bekor qilish dasturida mehnat shartnomalari bekor qilinadigan xodimlar soni, ularning lavozimi tasniflari yoki vazifalari hamda ularning joylashgan joylari (ammo dastur har bir xodimni identifikatsiya qilinishi talab etilmaydi), shuningdek dasturning kutilayotgan tugallanish sanasi aniq ko'rsatilganda;

mehnat shartnomalarini bekor qilish dasturida xodimlar bilan mehnat shartnomalari bekor qilingan taqdirda, ularga to'lanadigan nafaqa turi va miqdorlari bo'yicha yetarli darajada ma'lumotlar ko'rsatilgan bo'lsa.

37. Tashkilot ishdan bo'shatish nafaqalarini dastlabki tan olishda baholashi lozim.

Ishdan bo'shatish nafaqalari mehnat faoliyatidan keyingi daromadlarning ko'payishiga olib keladigan bo'lsa, tashkilot mehnat faoliyatidan keyingi daromadlar bo'yicha talablarni qo'llash sharti bilan daromadning xususiyatiga muvofiq keyingi o'zgarishlarni baholashi va tan olishi lozim.

Bunda:

agar ishdan bo'shatish nafaqalarining to'liq hisob-kitob qilinishi ishdan bo'shatish nafaqalari tan olinadigan yillik hisobot davri oxiridan so'ng o'n ikki oydan oldin kutilsa, tashkilot xodimlarning qisqa muddatli daromadlari bo'yicha talablarni qo'llashi lozim;

agar ishdan bo'shatish nafaqalarining to'liq hisob-kitob qilinishi yillik hisobot davri oxiridan so'ng o'n ikki oydan oldin kutilmasa, tashkilot xodimlarning boshqa uzoq muddatli daromadlari bo'yicha talablarni qo'llashi lozim.

6-bob. Axborotlarning oshkor etilishi

38. Xodimlarning qisqa va uzoq muddatli daromadlari to'g'risidagi ma'lumotlar O'zbekiston Respublikasi budget hisobining standarti (3-sonli BHS) "Budget

hisoboti”da (ro‘yxat raqami 3124, 2019-yil 18-yanvar) belgilangan moliyaviy hisobotlar shakllarida yoritib beriladi.

39. Tashkilot belgilangan badallar bo‘yicha pensiya dasturlari uchun xarajat sifatida tan olingan summani moliyaviy hisobotlarga tushuntirishda yoritib berishi lozim.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING
BUYRUG'I

416 Bojxona to'lovlarini to'lashning bosh ta'minotini qo'llash tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil
21-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3579*

O'zbekiston Respublikasi Bojxona kodeksining 339¹-moddasiga muvofiq bojxona to'lovlarini to'lashning bosh ta'minotini qo'llash tartibini belgilash maqsadida **buyuraman:**

1. Bojxona to'lovlarini to'lashning bosh ta'minotini qo'llash tartibi to'g'risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo'yicha vakili, O'zbekiston Savdo-sanoat palatasi hamda O'zbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligi bilan kelishilgan.

3. Ushbu buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran uch oy o'tgach kuchga kiradi.

Vazir

D. KUCHKAROV

Toshkent sh.,
2024-yil 7-noyabr,
187-son

Kelishildi:

*Tadbirkorlik subyektlarining
huquqlari va qonuniy manfaatlarini
himoya qilish bo'yicha vakil*

D. KASIMOV

2024-yil 17-oktabr

Savdo-sanoat palatasi raisi

D. VAXABOV

2024-yil 17-oktabr

*Istiqbolli loyihalar milliy
agentligi direktori*

D. LI

2024-yil 21-oktabr

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 22-noyabrda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
iqtisodiyot va moliya vazirining 2024-yil
7-noyabrdagi 187-son buyrug'iga
ILOVA

**Bojxona to'lovlarini to'lashning bosh ta'minotini qo'llash
tartibi to'g'risida
NIZOM**

Mazkur Nizom bojxona to'lovlarini to'lashning bosh ta'minotini (bundan buyon matnda bosh ta'minot deb yuritiladi) qo'llash tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Ushbu Nizomda quyidagi asosiy tushunchalar qo'llaniladi:

bosh ta'minot — to'lovchi tomonidan muayyan vaqt ichida bir necha bojxona operatsiyalarini bajarish chog'ida yuzaga keladigan bojxona to'lovlarini to'lanishini bank kafolatini taqdim etish, bojxona to'lovlarini to'lash majburiyatini sug'urtalash yoki tovarlarni garovga qo'yish orqali ta'minlash;

bojxona operatsiyasi — tovarlarning va transport vositalarining bojxona rasmiylashtiruvida tovarlarga va transport vositalariga nisbatan bojxona organlarining mansabdor shaxsi va (yoki) vakolatli shaxs tomonidan amalga oshiriladigan harakat;

ta'minlov hujjati — bank kafolati yoki sug'urta polisi yoxud garov shartnomasi;

to'lovchi — bojxona to'lovlarini to'lash majburiyati bajarilishini ta'minlash sharti bilan bojxona operatsiyalarini amalga oshiruvchi shaxs;

bojxona to'lovlarini to'lashni ta'minlovchi shaxs (bundan buyon matnda ta'minlovchi deb yuritiladi) — bank kafolati yoki sug'urta polisi taqdim etgan tijorat banki yoxud sug'urta tashkiloti, shuningdek garov narsasini taqdim etgan to'lovchi yoki boshqa shaxs;

hududiy bojxona organlari — O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Bojxona qo'mitasining (bundan buyon matnda Bojxona qo'mitasi deb yuritiladi) Qoraqalpog'iston Respublikasi, viloyatlar, Toshkent shahar bo'yicha boshqarmalari, "Toshkent-AERO" ixtisoslashtirilgan bojxona kompleksi.

2. To'lovchi tomonidan bojxona to'lovlari to'lanishini ta'minlash maqsadida bosh ta'minotni qo'llash ixtiyoriy hisoblanadi.

Bunda, bojxona organi tomonidan bojxona rasmiylashtiruvini amalga oshirishda to'lovchidan bosh ta'minot qabul qilinganligi to'g'risidagi Bojxona qo'mitasining qarorini taqdim etishni talab qilishga, shuningdek ushbu qarorning mavjud emasligini asos qilib, bojxona rasmiylashtiruvini amalga oshirishni rad etishga yo'l qo'yilmaydi.

3. To'lovchi bosh ta'minotni O'zbekiston Respublikasi Bojxona kodeksining 336, 337 va 338-moddalarida belgilangan hollarda yuzaga keladigan bojxona

to'lovlarini to'lashni ta'minlashga doir bir yoki bir necha majburiyat bo'yicha istalgan vaqtda taqdim etishi mumkin.

4. Bosh ta'minot quyidagi hollarda qabul qilinadi:

Ta'minlov hujjatlarining amal qilish muddatlari to'lovchining arizasida ko'rsatilgan muddat ichida yuzaga keladigan bojxona to'lovlarini to'lashni ta'minlashga doir majburiyatlarni to'lovchi tomonidan bajarish muddatlaridan ko'p bo'lganda;

bojxona operatsiyalari bo'yicha bojxona to'lovlari bosh ta'minot hisobidan hududiy bojxona organi tomonidan undirilishi mumkin bo'lganda. Bunda, bosh ta'minot summasi bojxona operatsiyalari bo'yicha bojxona to'lovlari summasidan kam bo'lmasligi lozim.

2-bob. Bosh ta'minotni qabul qilish uchun murojaat qilish, murojaatni ko'rib chiqish va rad etish

5. To'lovchi bosh ta'minotni qabul qilish uchun mazkur Nizomning 1-ilovasiga* muvofiq shakldagi ariza bilan Bojxona qo'mitasiga yozma yoki Bojxona qo'mitasining rasmiy veb-sayti (bundan buyon matnda veb-sayt deb yuritiladi) orqali elektron tarzda murojaat qiladi.

To'lovchi veb-sayt orqali murojaat qilganda, arizani o'zining elektron raqamli imzosi bilan tasdiqlaydi.

6. Arizaga quyidagi hujjatlardan biri ilova qilinadi:

bank kafolati;

sug'urta polisi;

baholovchi tashkilotning bozor qiymati bo'yicha garov narsasini baholash to'g'risidagi hisoboti (bundan buyon matnda baholash hisoboti deb yuritiladi).

7. Arizaga ilova qilingan bank kafolati va sug'urta polisida to'lovchining arizasida ko'rsatilgan bojxona operatsiyalarini bajarish chog'ida yuzaga keladigan bojxona to'lovlarini to'lanishini ta'minlash nazarda tutilgan bo'lishi kerak.

8. Bosh ta'minot sifatida taqdim etilayotgan bank kafolati, sug'urta polisi va garov narsasi O'zbekiston Respublikasi Bojxona kodeksining 342 — 345-moddalarida belgilangan talablarga muvofiq bo'lishi lozim.

9. Ariza hamda unga ilova qilinadigan hujjatlardagi ma'lumotlar to'g'ri va to'liq bo'lishi lozim. Bunda, ma'lumotlarning to'g'riligi hamda to'liqligi uchun to'lovchi javobgar hisoblanadi.

10. Veb-sayt orqali murojaat qilinganda, ariza Bojxona qo'mitasining Yagona avtomatlashtirilgan axborot tizimiga (bunda buyon matnda YAAAT deb yuritiladi) avtomatik ravishda kelib tushadi.

Yozma shaklda topshirilgan arizalar kelib tushgan kundan kechiktirmay Bojxona qo'mitasining mas'ul xodimi tomonidan YAAATga kiritiladi.

Arizalar YAAATda kelib tushgan kunning o'zida elektron tarzda ro'yxatdan o'tkaziladi.

11. Ariza ro'yxatdan o'tkazilganidan so'ng YAAAT tomonidan avtomatik

* I-ilova «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da e'lon qilingan.

tarzda to'lovchining arizasida ko'rsatilgan telefon raqamiga ariza qabul qilinganligi va uning ro'yxat raqami ko'rsatilgan SMS xabarnoma yuboriladi.

Veб-saytda arizaning ro'yxat raqami orqali uning holatini onlayn tarzda ko'rish mumkin bo'ladi.

12. Ariza u kelib tushgan kundan boshlab o'n ish kuni ichida Bojxona qo'mitasi tomonidan ko'rib chiqiladi hamda bosh ta'minotni qabul qilish yoki uni qabul qilishni rad etish to'g'risida qaror qabul qilinadi.

Bojxona qo'mitasi to'lovchi tomonidan taqdim etilgan hujjatlarni ushbu Nizomning 4, 6 — 9-bandlari talablariga muvofiqligini tekshiradi.

13. Bojxona qo'mitasi tomonidan quyidagi hollarda bosh ta'minotni qabul qilishni rad etish to'g'risida qaror qabul qilinadi:

bosh ta'minot mazkur Nizomning 4-bandida nazarda tutilgan bosh ta'minotni qabul qilish shartlariga muvofiq bo'lmaganda;

arizaga mazkur Nizomning 6-bandida ko'rsatilgan hujjatlar ilova qilinmaganda;

bank kafolati, sug'urta polisi va garov narsasi mazkur Nizomning 7 va 8-bandlarida belgilangan talablarga muvofiq bo'lmaganda;

to'lovchi tomonidan taqdim etilgan hujjatlarning haqiqiy emasligi yoki ularda noto'g'ri ma'lumotlar mavjudligi aniqlanganda;

to'lovchining bosh ta'minotni qabul qilish haqidagi arizasida bojxona to'lovlarini kechiktirib yoki bo'lib-bo'lib to'lash imkoniyatini berish nazarda tutilgan bo'lsa, ariza taqdim etilgan paytda bojxona to'lovlarini to'lash bo'yicha qarzdorlik mavjudligi;

garov shartnomasi bo'yicha bosh ta'minotni qabul qilishda o'ttiz kun ichida garov shartnomasi notarial tartibda rasmiylashtirilmaganda yoki notarius tomonidan garov shartnomasini tasdiqlash rad etilganda.

Bosh ta'minotni qabul qilishni ushbu bandeda nazarda tutilmagan boshqa asoslarga ko'ra rad etilishiga yo'l qo'yilmaydi.

14. Bojxona qo'mitasi tomonidan bosh ta'minotni qabul qilish rad etilgan kundan boshlab bir ish kuni ichida bu haqda to'lovchiga xabarnoma yuboriladi. Xabarnomada bosh ta'minotni qabul qilishning rad etish sabablari ko'rsatiladi.

15. To'lovchi bosh ta'minotni qabul qilishni rad etilishiga asos bo'lgan sabablarni bartaraf etgan holda, bosh ta'minotni olish uchun takroran murojaat qilishi mumkin. Takroran kiritilgan ariza ushbu Nizomga muvofiq umumiy asoslarda ko'rib chiqiladi.

16. Bosh ta'minotni qabul qilish bo'yicha ariza ko'rib chiqilganligi hamda bosh ta'minotni qabul qilish haqida qaror chiqarilganligi uchun yig'im undirilmaydi.

3-bob. Garov shartnomasi bo'yicha bosh ta'minotni qabul qilish

17. To'lovchining tovarlarni garovga qo'yish orqali bosh ta'minotni qabul qilish uchun bergan arisasi bo'yicha Bojxona qo'mitasi tomonidan yetti ish kuni ichida garov narsasining Bojxona kodeksi va ushbu Nizom talablariga muvofiqligi tekshiriladi.

18. Garov narsasini bosh ta'minot sifatida qabul qilishni rad etish uchun mazkur Nizomning 13-bandida ko'rsatilgan asoslar mavjud emasligi aniqlangan

taqdirda, Bojxona qo‘mitasi tomonidan bir ish kuni ichida to‘lovchiga garov shartnomasini rasmiylashtirish uchun hududiy bojxona organiga murojaat qilishi lozimligi to‘g‘risida SMS xabarnoma yuboriladi.

19. SMS xabarnoma olingan kundan boshlab o‘ttiz kun ichida garov narsasi joylashgan hududiy bojxona organi bilan to‘lovchi o‘rtasida notarial tartibda garov shartnomasi rasmiylashtirilishi lozim.

Garov shartnomasini rasmiylashtirish muddati Bojxona qo‘mitasi tomonidan bosh ta‘minotni qabul qilish uchun arizani ko‘rib chiqish muddatini hisoblashda inobatga olinmaydi.

20. To‘lovchi tomonidan garov shartnomasini tuzish bo‘yicha hududiy bojxona organiga murojaat etilganda, hududiy bojxona organiga bosh ta‘minotni qabul qilish bo‘yicha Bojxona qo‘mitasiga kiritilgan arizaning ro‘yxat raqami va SMS xabarnoma taqdim etiladi. Hududiy bojxona organi tomonidan to‘lovchining arizasi YAAAT orqali tekshiriladi.

21. To‘lovchi tomonidan murojaat etilgan kundan boshlab besh ish kuni ichida hududiy bojxona organining garov shartnomasini imzolash huquqiga ega bo‘lgan xodimi bilan ta‘minlovchi o‘rtasida garov shartnomasi notarial tartibda tasdiqlanishi lozim, bundan notarius tomonidan garov shartnomasini tasdiqlashni rad etish holatlari mustasno.

22. Garov shartnomasi notarial tartibda tasdiqlangan kundan boshlab bir ish kuni ichida hududiy bojxona organi tomonidan YAAATga garov shartnomasi to‘g‘risidagi ma‘lumotlar kiritiladi va uning nusxasi biriktiriladi.

Notarius tomonidan garov shartnomasini tasdiqlash rad etilgan taqdirda, hududiy bojxona organi bir ish kuni ichida garov shartnomasini tasdiqlash rad etilganligi va uning sabablari haqidagi ma‘lumotlarni YAAATga kiritadi.

23. Garov narsasini baholash va notarial tasdiqlangan garov shartnomasini tuzish bilan bog‘liq xarajatlar to‘lovchining hisobidan amalga oshiriladi.

24. Hududiy bojxona organi tomonidan garov shartnomasi tasdiqlanganligi to‘g‘risidagi ma‘lumotlar YAAATga kiritilgan kundan boshlab ikki ish kuni ichida Bojxona qo‘mitasi tomonidan bosh ta‘minotni qabul qilish to‘g‘risida qaror chiqariladi.

Garov shartnomasi notarial tartibda tasdiqlanganidan so‘ng bosh ta‘minotni qabul qilishni rad etishga yo‘l qo‘yilmaydi.

4-bob. Bosh ta‘minotni qabul qilish to‘g‘risida qaror chiqarish va uni qo‘llash

25. Mazkur Nizomning 13-bandida ko‘rsatilgan bosh ta‘minotni qabul qilishni rad etish uchun asoslar mavjud bo‘lmaganda, Bojxona qo‘mitasi tomonidan ushbu Nizomning 2-ilovasiga* muvofiq shaklda bosh ta‘minotni qabul qilish to‘g‘risida qaror chiqariladi.

Bosh ta‘minotni qabul qilish to‘g‘risidagi qaror Bojxona qo‘mitasi raisining o‘rinbosari tomonidan elektron raqamli imzosi bilan tasdiqlash orqali YAAATda qabul qilinadi hamda unga avtomatik ravishda matrivalsi shtrix kod (QR-kod) va ro‘yxat raqam beriladi.

* 2-ilova «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da e‘lon qilingan.

26. Bosh ta'minotni qabul qilish to'g'risida qaror chiqarilgan kundan boshlab bir ish kuni ichida to'lovchiga bosh ta'minot qabul qilinganligi to'g'risida SMS xabarnoma yuboriladi.

27. To'lovchi veb-sayt orqali arizaning ro'yxat raqamini kiritgan holda bosh ta'minotni qabul qilish to'g'risidagi qarorning elektron shaklini yuklab oladi.

28. Bosh ta'minotni qabul qilish to'g'risida qarorda bojxona to'lovlari to'lanishi ta'minlangan bojxona operatsiyalari ro'yxati, ta'minlov summasi va ushbu ta'minotning amal qilish muddati ko'rsatiladi.

29. Bojxona operatsiyalarini bajarish uchun bojxona to'lovlarini to'lanilishini ta'minlash sifatida qo'llanilgan bosh ta'minot summasidan qayta foydalanilishiga yo'l qo'yilmaydi.

30. Bojxona qo'mitasi tomonidan qabul qilingan bosh ta'minotlarning hisobi mazkur Nizomning 3-ilovasiga* muvofiq shaklda YAAATda yuritiladi.

31. To'lovchi bosh ta'minot bilan ta'minlangan bojxona operatsiyalarini amalga oshirishda tegishli bojxona organiga bosh ta'minotni qabul qilish to'g'risidagi qarorni taqdim etadi.

Bojxona organi bosh ta'minotni qabul qilish to'g'risidagi qarorni YAAAT orqali tekshiradi.

32. Bojxona organi tomonidan bosh ta'minotni qabul qilish to'g'risidagi qarorni qabul qilish majburiy hisoblanadi.

5-bob. Bosh ta'minotni qabul qilish to'g'risidagi qarorni o'zgartirish, uni vaqtinchalik to'xtatish va bekor qilish

33. Bosh ta'minotni qabul qilish to'g'risidagi qarorga o'zgartirish kiritish to'lovchining arizasiga ko'ra yoki Bojxona qo'mitasining tashabbusi bilan amalga oshiriladi.

34. To'lovchi bosh ta'minotni qabul qilish to'g'risidagi qarorga o'zgartirish kiritish uchun mazkur Nizomning 4-ilovasiga* muvofiq shakldagi ariza bilan Bojxona qo'mitasiga yozma yoki veb-sayt orqali elektron tarzda murojaat qiladi. Arizaga o'zgartirish kiritishni asoslovchi hujjatlar ilova qilinadi.

35. Bosh ta'minotni qabul qilish to'g'risidagi qarorga o'zgartirish kiritish uchun taqdim etilgan ariza Bojxona qo'mitasi tomonidan mazkur Nizomning 2 va 3-boblarida belgilangan tartibda va muddatlarda ko'rib chiqiladi.

36. Bosh ta'minotni qabul qilish to'g'risidagi qarorga to'lovchining arizasiga ko'ra quyidagi holatlar yuzasidan o'zgartirish kiritilishi mumkin:

bosh ta'minotning amal qilish muddatini o'zgartirish;

bosh ta'minotni qabul qilish to'g'risidagi qarordagi bosh ta'minotga ta'sir qilmaydigan xatoliklar bo'yicha o'zgartirishlar.

bosh ta'minot summasini o'zgartirish;

Bojxona qo'mitasining tashabbusi bilan mazkur bandning uchinchi xatboshisida ko'rsatilgan holatda o'zgartirish kiritiladi.

37. Bosh ta'minotning amal qilishi quyidagi hollarda vaqtinchalik to'xtatiladi:

* 3-4-ilovalar «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da e'lon qilingan.

to'lovchi tomonidan bosh ta'minotning amal qilishini vaqtinchalik to'xtatish to'g'risida ariza taqdim etilganda — unda ko'rsatilgan muddatga;

bosh ta'minot bilan to'lanishi ta'minlangan bojxona to'lovlari bo'yicha qarzdorlik yuzaga kelganda — qarzdorlik bartaraf etilgunga qadar.

Bosh ta'minotning amal qilishini vaqtinchalik to'xtatish muddati bosh ta'minotni qabul qilish to'g'risidagi qarorda ko'rsatilgan bosh ta'minotning amal qilish muddatidan oshmasligi lozim.

38. Bosh ta'minot quyidagi hollarda bekor qilinadi:

to'lovchi tomonidan bosh ta'minotni bekor qilish to'g'risida ariza taqdim etilganda;

to'lovchi yoki ta'minlovchining faoliyati tugatilganda yoxud to'lovga qobiliyatsiz deb topilganda;

to'lovchining bojxona to'lovlarini to'lash bo'yicha majburiyatini garov narsasi hisobidan undirish imkoniyati yo'qolganda;

to'lovchi vafot etganda yoki muomalaga layoqatsiz deb topilganda.

to'lovchi bo'lgan yuridik shaxs qayta tashkil etilganda, bundan uning majburiyatlari saqlanib holda o'zgartirilishi mustasno;

39. Bosh ta'minotni qabul qilish to'g'risidagi qarorni o'zgartirish, uni vaqtinchalik to'xtatish yoki bekor qilish bo'yicha Bojxona qo'mitasi raisining o'rinbosari tomonidan qaror chiqariladi.

40. Bosh ta'minotni qabul qilish to'g'risidagi qarorga o'zgartirish kiritilganligi uchun yig'im undirilmaydi.

41. Bosh ta'minotni qabul qilish to'g'risidagi qarorga o'zgartirish kiritilgan kundan boshlab bir ish kuni ichida uning veb-sayt va YAAATdagi shakli Bojxona qo'mitasi tomonidan uning o'zgartirilgan shakli bilan almashtirib qo'yiladi.

42. Bosh ta'minotni qabul qilish to'g'risidagi qarorga kiritilgan o'zgartirishlar ular kiritilgan kundan boshlab amal qiladi.

43. Bosh ta'minotni qabul qilish to'g'risidagi qarorga o'zgartirish kiritish, uni vaqtinchalik to'xtatish yoki bekor qilish haqidagi qaror qabul qilingan kundan keyingi ish kundan kechiktirmay to'lovchiga yozma yoki elektron shaklda yetkaziladi.

6-bob. Yakuniy qoidalar

44. To'lovchi o'zining arizasida va ta'minlovchi ta'minlov hujjatlarida ko'rsatilgan muddat ichida yuzaga keladigan bojxona to'lovlarini to'lashni ta'minlashga doir majburiyatlarni o'z zimmasiga oladi.

45. Mazkur Nizomda belgilangan talablar buzilishida aybdor bo'lgan shaxslar qonunchilikda belgilangan tartibda javobgar bo'ladilar.

46. To'lovchi yoki ta'minlovchi bojxona organlarining qarorlaridan norozi bo'lgan taqdirda, bevosita Bojxona qo'mitasining apellyatsiya kengashiga yoxud sudga murojaat qilishlari mumkin.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR VAZIRINING
BUYRUG‘I

417 Pochta aloqasi xizmatlarini ko‘rsatish qoidalariga
o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil
21-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2219-16*

O‘zbekiston Respublikasining 2024-yil 5-sentabrdagi O‘RQ–955-son “Nogironligi bo‘lgan shaxslarning huquqlari to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Qonuniga qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi Qonuni va O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 25-yanvardagi PF–14-son “Respublika ijro etuvchi hokimiyat organlari faoliyatini samarali yo‘lga qo‘yishga doir birinchi navbatdagi tashkiliy chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi Farmoniga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston aloqa va axborotlashtirish agentligi bosh direktorining 2011-yil 22-fevraldagi 1-yu-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2219, 2011-yil 18-aprel) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2011-y., 16-son, 167-modda) bilan tasdiqlangan Pochta aloqasi xizmatlarini ko‘rsatish qoidalariga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Ushbu buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Vazir

Sh. SHERMATOV

Toshkent sh.,
2024-yil 28-oktabr,
273-mh-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 22-noyabrda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
raqamli texnologiyalar vazirining 2024-yil
28-oktabrdagi 273-mh-son buyrug'iga
ILOVA

**Pochta aloqasi xizmatlarini ko'rsatish qoidalariga
kiritilayotgan o'zgartirishlar**

1. 3-bandning beshinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“Milliy operator respublika ijro etuvchi hokimiyat organlari, mahalliy ijro etuvchi hokimiyat organlari, davlat korxonalari, muassasalari, tashkilotlari, sud va huquqni muhofaza qiluvchi organlar tomonidan yo'llanuvchi xat-xabarlarni yetkazib berish, yetkazilganligini tasdiqlash, ma'lumotlarni saqlash va hisobga olishning yagona milliy tizimi operatori hisoblanadi.”.

2. 104²-banddagi “Davlat boshqaruvi organlari” degan so'zlar “Respublika ijro etuvchi hokimiyat organlari” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2024-yil 18-oktabrdagi 33/6-son “O‘zbekiston Respublikasi hududida bank kartalarining chiqarilishi va muomalada bo‘lishi qoidalari to‘g‘risidagi nizomga qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori.

2024-yil 18-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3294-1.

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi direktorining 2024-yil 15-oktabrdagi 10-mb-son “Statistika hisoboti shakllarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyrug‘i.

2024-yil 18-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3575.

3. O‘zbekiston Respublikasi Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o‘zgarishi vazirligi hamda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi O‘zbekiston texnik jihatdan tartibga solish agentligining 2024-yil 18-oktabrdagi 14-mh, 55-son “Ishlab chiqaruvchilar va import qiluvchilar tomonidan qayta ishlanishi to‘g‘risidagi ma‘lumot ko‘rsatilishi majburiy bo‘lgan tovarlarning ro‘yxati va ularning belgilarini tasdiqlash haqida”gi qarori.

2024-yil 19-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3576.

4. O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2024-yil 17-oktabrdagi 184-son, Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Soliq qo‘mitasining 2024-yil 10-oktabrdagi 2024-21-son, Markaziy banki boshqaruvining 2024-yil 8-oktabrdagi 364-B-son “Ish beruvchilar tomonidan fuqarolarning shaxsiy jamg‘arib boriladigan pensiya hisobvaraqlariga majburiy jamg‘arib boriladigan pensiya badallarini hisoblash va to‘lash tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori.

2024-yil 20-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3577.

5. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2024-yil 14-oktabrdagi 182-son “O‘zbekiston Respublikasi budjet hisobining standarti (17-sonli BHS) “Xodimlarning daromadlari”ni tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyrug‘i.

2024-yil 21-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3578.

6. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2024-yil 7-noyabrdagi 187-son “Bojxona to‘lovlarini to‘lashning bosh ta‘minotini qo‘llash tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i.

2024-yil 21-noyabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3579.

7. O'zbekiston Respublikasi raqamli texnologiyalar vazirining 2024-yil 28-oktabrdagi 273-mh-son "Pochta aloqasi xizmatlarini ko'rsatish qoidalariga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi buyrug'i.

2024-yil 21-noyabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2219-16.

II. Davlat reyestridan chiqarildi:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi direktorining 2023-yil 9 oktabrdagi 39-mb-son "Statistika hisoboti shakllarini tasdiqlash to'g'risida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 3475, 2023-yil 10-noyabr).

2024-yil 18-noyabrda davlat reyestridan chiqarildi.

2. O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi, Davlat soliq qo'mitasi va Markaziy banki boshqaruvining 2005-yil 29-avgustdagi 76, 2005-47, 267-V-son "Ish beruvchilar tomonidan fuqarolarning shaxsiy jamg'arib boriladigan pensiya hisobvaraqlariga majburiy badallarni qo'shish va to'lash tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi qarori (ro'yxat raqami 1515, 2005-yil 6-oktabr), shuningdek unga kiritilgan o'zgartirishlar (ro'yxat raqami 1515-1, 2019-yil 21-yanvar).

2024-yil 20-noyabrda davlat reyestridan chiqarildi.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.